

«ТАСДИ+ЛАЙМАН»
Психология кафедраси
мулдари
_____доц.Норбошева М.О.
«__» _____ 2006 йил

СОЦИАЛ ТРЕНИНГ ВА АМАЛИЁТ

Тузувчи: к.ы-итувчи Шарафутдинова Х./.

**Ушбу маъруза матни Психология кафедрасининг 2006 йил 28
август кундаги 1-йи\илиш =арори билан тасди=ланган.**

Та=ризчилар: доц. Б.Соди=ов

К.ы=ит.Э.+одиров

1-мавзу: СОЦИАЛ ТРЕНИНГ ТАЪЛИМНИНГ ФАОЛ ШАКЛИ СИФАТИДА

(4-соат)

Режа:

1. Социал тренинг хақида умумий маълумот
2. Социал тренинг пайдо булиш тарихи ва шарт шароитлари
3. Социал тренинг мақсади ва вазифалари
4. Социал тренинг турлари

Таянч сўз ва иборалар:

Ижтимоий психология, социал тренинг, мулоқот, шахс, мулоқотматлик (ИПТ) импровизация, табиий тренинг махсус уюштирилган тренинг.

Одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, этиқодлар, ғоялар, ҳис туйғулар, кечинмалар, турли хил ҳулқ атвор шакллари психологиянинг асосий соҳаси бўлган ижтимоий психология ырганани ва тушинтириб беради. Ҳар бир шахснинг жамиятда яшашининг ижтимоий нормаларга риоя қилган ҳолда ызига ыхшаш одалар билан ырнатадиган мураккаб ызаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ходисаларнинг табиатини ва қонунларини тушинтириб бериш – ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир.

Социал тренинг ана шундай мураккаб психик воқеликларни ырганувчи ижтимоий психологиянинг Амалий тадбиқий соҳаси ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ижтимоий психологиянинг долзарблиги ва унинг жамиятдаги содир бўлаётган барча жараёнларга алоқадорлиги унинг тадбиқий соҳалари доирасини ҳам кенгайтди. Социал тренинг аввало шахс ёки груҳни самарали мулоқот малакаларига ыргатиш ва улардаги комминакатив билимдонликни ошириш усуллари ва уларни амалётга тадбиқ этиш чора тадбирларини ишлаб чиқади.

Инсон ыз ҳаётида шахсий тажриба, ижтимоий малака ва қыникмаларни ортириб бориши жараёнида ҳосил бўладиган, бевосита шакланадиган ижтимоий билимдонлик ёки коммункатив

соводхонликдан фарқли психология фанида Ушбу жараёнларни мақсадли шакллантириш, шахс ва яхлит гуруҳ фаолиятига таълуқли ижтимоий фазилатларни зудлик билан шакллантириш учун қилланиладиган услублар мажмуи мавжуд. Уларни қисқача қилиб ижтимоий психология тренинг (ИПТ) ёки социал тренинг деб аталади.

«Тренинг» тушинчаси инглизча «ыргатиш» «машқ» деган маънони англатиб – бу турли ижтимои фаолият соҳаларига шахсни таёрлашдан иборат бўлиб бунда шахс ёки яхлит гуруҳнинг мулоқот соҳасидаги билимдоник даражаси мақсадга мувофиқ тарзда махсус машқлар тизими орқали ривожлантирилади. Яъни у шахсни ижтимои мулоқотга олдиндан мақсадли тарзда тайёрлайди. Масалан: булажак мутахассисларни келгуси фаолиятларини самарали амалга оширишга таёрлаш. Раҳбар кадрларни самарали бошқариш усулларига ыргатиш ва хоқозолар.

Ижтимоий психологик тренинг махсус тарзда уюштирилиб унда алоҳида вазиятларда ҳар бир тренинг иштирокчисининг шахсий эҳтиёжлари уларда индивидуал шакллиниши зарур бўлган сифатлар катта рол ыйнайди ва шахс атайлаб у ёки бу ижтимоий психологик вазиятларга қыйилади.

Тренинг машғулоти учун махсус вазият аниқ мақсад, шахсий эҳтиёжлар ҳамда ана шундай машғулотларни ытказувчи шахс ёки бошловчи зарур тренинг машғулоти мувофоқиятли бўлиши учун айрим тамонларга аниқ бўйсунуш ва бошқариш малакаси мавжуд бўлиши лозим.

Ижтимоий психологик тренинга қыйиладиган талаблар қуйдагилардан иборат:

Биринчидан: Тренинг гуруҳи аъзоларидан ижтимоий фаоллик талаб этилади чунки гуруҳ аъзолари вазиятларда ызгалардаги мавжуд билим ва малакалардан фойдаланиб гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари ҳамда вазиятнинг талабига қыра аниқ ҳулқ атвор шаклларини намоён қилишларига туғри келади.

Иккинчидан: Тренинг гуруҳи аъзоларида доимий изланувчанлик, муаян жойда вазият ҳамда ролларни таҳлил қилган ҳолда унинг моҳиятини тушиниш у ёки бу ролга кириши лозим бўлади, чунки тренинг тафаккур ва қарашларнинг эгилувчан ҳамда вазиятларга мос бўлишини тақозо этади.

Учинчидан: Ижтимоий психологик тренинг машғулотида намоён бўладиган ҳулқ-атвор шакларининг обективлашшуви, яъни гуруҳ аъзоларининг муносабати рулининг талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир иштирокчи Айни шу ролга мос ҳаракатни реал ҳулқда мустаҳкамлаши ва бошқлар тасирида уни онгли равишда қабул қилиши зарур.

Ва ниҳоят ҳар бир машғулот ва мулоқот шерикларининг максимал тарзда бир бирларини ҳурмат қилишларига асос қилинмоғи керакки, натижада шахс бундай машғулотлардан кейин

бегона фикрларни ҳам кадрлашга, улар билан ҳисоблашишга «Узга булиш» ва бировларни тинглашга мос тарзда уз фикр мулохазаларини баён этишга урганади.

Демак, ижтимои психологик тренингниг туб мохияти – кишиларни узини ва узгалрни билиш тушиниш, инсоний муносабатларга ургатишдан иборат.

Одатда тренинг машгулотлари махсус хоналарда ёки махсус танланган жойларда (табиат кучогида) утказилади. Лекин жойнинг таёрланишидаги асосий талб шуки шу гуруҳ аъзолари бир бирига хисси якин булишлари узаро бевосита тасир курсатиш ёки кузларига бокиш имкониятларига эга булиши керак. Масалан: «Юмалок стол» атрофида кишиларнинг тупланиши юзма-юз утириш ва хакозолар.

Гуруҳ аъзоларининг кандай шакли стол атрофида утиришлари, ёки бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашишларига караб, шахсларни узларини рухий хис килишлари ҳам хар хил булади. Масалан: агар тренинг гуруҳи аъзолари турт бурчак стол атрофида жойлашган булсалар бунда хар бир аъзонинг фазовий таввурлари ва муносабатлари бахс-мунозарага мойил булади ва бундай холат «Мен-мунозарадаман» деб аталади. Ёки тахминан 1,5 метрга 2 метр диаметр юмалок стол атрофида утказилаётган сухбатдаги шахс холати «Мен уйиндаман» деб аталса юмшок юза (Крисло, гилам ва деван) устида хохлаган куай холат булса «Мен-узимда» деб аталади.

Шундай килиб хар бир ижтимоий психологик вазият, унинг максади ва бошловчининг ниятларига караб иштирокчиларнинг фазовий кай йусинда жойлашишлари кераклиги ҳам тренинг самарадорлигини белгилайди.

Ижтимои тренинг яна бир жихати борки бунда штирокчилар уртасида самимий, илик муносабатлар урнатилиши улар узаро бир бирларига ишонишлари лозим. Бунинг учун тренинг ташкил этувчи шахс машгулот бошида шундай шароит яратадики, натижада иштирокчилар бир бирини таниб илик муносабатларга мойиллик сезишлари шарт.

Бунинг учун масалан: Тренинг катнашувчилари бир бирларига хушомат килишлари таклиф этилади хушомат ёки такаллуф албатта ёнидаги шахснинг ташки куруниши, юз ифодаси, кийимининг ранги, диди кабиларга талукли булиши мумкин. Аммо бу хушоматда асл хушомад элементлари минимал ифодаланиши зарур, яъни буртириб йук нарсани айтиш ҳам мулокатга халк бериши мумкин.

Бу жараён, ёки услуб гиэриклар уртасидаги асабий тарнглашувни камайтириб, психологик танглик гуруҳ аъзоларининг уз кобиятларига ишонмаслик иккиланиш хавфининг олдини олади.

Психологияда ижтимоий тренинг ва шунга ухшаш фаоллик психологик методларнинг пайдо булиши психология фанида шахс ва унинг имкониятларини урганишга нисбатан карашларнинг узгариши билан боглик. Чунки психология тарихидан маълумки бу Фан XIX

асрнинг охириларигача ҳам алоҳида шахс психологиясини урганувчи атомистик Фан сифатида қаралган. Унинг шаклланиши, таракқиёти ва турли фазилятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар орасида ижтимоий психологик омилларнинг роли ва урни шу давргача тан олинмаган ва махсус тарзда тадқиқ этилмаган эди.

Ижтимоий психологик фикрлар шаклланиши тарихидан шу нарса маълумки XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб психологик тадқиқотлар жарёнида ижтимоий психологик омиллар ҳам аста-секин ҳисобга олина бошланди масалан: кейинги йилларда (халқлар психологияси, омма психологияси, хулқнинг ижтимоий мотивлари назарияси) ва бошқалар каби ижтимоий психологик соҳалар тадқиқ этила бошланди. Бунга сабаб қуйдагича эди: шахс фаолияти жараёнида унинг ёнида бошқа шахсларнинг бўлиши, ёки яқинлиги уларнинг хулқ-атворида тасир қиладими, агар бундай тасир мавжуд бўлса у ижобийми, ёки салбийми? Каби саволларга жавобнинг ечимини топиш зарурати тугилди.

Америкалик психолог Ф. Олпарт биринчи марта Ушбу таъсир ижобий бўлиши ва бу ходисанинг номи «Ижтимоий фақилитация» эканлигини дабиётларда ёритди. Фақилитация сузи инглизча (facilitate) – янглишримок сузидан олинган бўлиб унинг туб маъноси – шахс онгида узга образнинг борлиги ёки гуруҳ ёки муаян шахснинг мавжудлиги туфайли одам фаолияти самарадорлигининг ортиши ва тезлашувидир.

1903 йилда немис олими А Найер эса Ушбу феномени таълим жараёнида текшириб чиқди у уйда яққа холда уқитиш билан гуруҳий шароитда уқитиш самарадорлигини қиёслаб, билимларнинг мустаҳкамланишида узлаштиришнинг тезлиги синф шаклида бўлганда узига хос афзалликларга эга эканлигини исбот қилди.

1913 йилда бошқа бир немис тадқиқотчиси В. Мёде узаро ҳамкорликдаги гуруҳлар дастурини ишлаб чиқди. Унинг тажрибалари бир қарашда шахсдаги билиш жараёнларини урганишга қаратилгандай бўлсада, лекин аслида уларда гуруҳнинг шахс психик фаолиятига тасири урганилди. 2-3 кишидан тортиб, то 16 кишигача бўлган гуруҳларда у махсус асбоб усқуналарни ишлатган холда, мушаклар иш фаолияти, оғриққа чидамлилиқ, сезгирлик, диққат, хотира, ассоциацияларнинг кечишига таъсирини дастлаб яққа-яққа холда кейинчалик эса гуруҳ шароитида урганди.

Кузатишлар шуни қурсатдики, уни қизиктирган руҳий жараён ва ҳолатларнинг қурсатгичлари гуруҳий вариатда индивидуал вариантдан анча афзалликлар мавжуд экан.

Шундай ҳолатлар ҳам қузатилганки гуруҳда «қучсиз, нимжон» болаларнинг борлиги бошқача «уртача» имқониятлар фаоллигини оширган. Олинган натижалар унинг, (В Мёде) «Омманинг экспериментал психологияси» китобида умумлаштирилган. В Мёде Ушбу асарида тажрибаларга асосланган холда барча турдаги

экспрементларда, албатта ижтимои психология факт инобатга олинши зарур деб таъкидлайди.

Кейинчалик тиббиёт соҳасида ҳам оммавий психотерапиянинг афзалликларини ёқлаб, француз тадқиқотчилари ва рус олимлари тадқиқотлар олиб бордилар.

Уларнинг фикрига кура инсон саломатилигини тиклашда бемор билан шифокор уртасида узаро мулоқотидан ташқари, уша касал атрофидаги узига ухшашлар гуруҳининг ҳа борлигини ва унинг бевосита дард азоблари кечишига таъсири булиши тиббий амалиётда (психология) асосланди ҳамда бу ҳақда асарлар ёзилди.

Бундан ташқари маориф, санат, иштиоми муносабатлар борасида ҳам ИПТ нинг роли масаласи кенг урганилди ва бу нарса мутахассислар таёрлаш соҳаси – педогогика в психология олдида ҳам «Қандай қилиб уқитган афзалроқ?» деган масалани долзарб қилиб қўйди.

Бу эса бевосита одамлар билан ишлаш жааёнига мақсадли таёрлашда фаол, тезкор усулларни уйлаб топиш муаммосини юзага келтирди. Психологик тадқиқотлардан шу нарса маълумки инсон хотираси эшитган нарсаларни фақат 10 % ини эшитган, қурган нарсаларни деярли 50% ини ҳамда бевосита узи иштирок этиб фаол равишда бажарган операциялар тафсилотининг 90% хотирасида сақлаб қолади. Демак бу факт ҳам ижтимоий фаол муносабатларнинг инсон имкониятларининг ривожланишидаги урнини яна бир бор эътироф этади.

Ушбу қонунятнинг аҳамияти миллий маърифатчилигимиз ананаларида ҳам ҳисобга олиганлигини қуришимиз мумкин.

Масалан: Ислом маърифатчилигида ҳам риёзат чекиш – инсон фаолиятининг шундай тури сифатида қаралган, унга кура инсон қамолат чуққисига эришиши, бирор нарсанинг туб моҳиятига етиши, англаш ва тушиниши учун уз қули билан амалда ишлаш қобилиятига эга булиши қерақлиги тақидланади.

Устоз ва шогирд ота-она ва фарзанд ва бошқа шу қаби муносабат қоидаларга амал қилиш инсонни маънавий юксакликка қутаради. Масалан: Ҳинд халқ эртаги «Маҳобҳорат» «Рамаёна»

Шундай қилиб, ижтимоий психологик тренинг услубларининг пайдо булиши ва амалда қулланилиши узига ҳос ананага эга булиб, улар айниқса бизнинг асримизда, саноат ривожланган, миграция жараёнлари тезлашган ва инсон омили ролининг нақадар аҳамиятлилигига эътибор қаратилган бир пайтда яна ҳам долзарб булиб бормоқда.

Ижтимоий психологик тренинг воситасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг бошқарувчилари менежерлар таёрлаш ижтимоий таъминот, педогогика, тиббиёт соҳаларига мутахассислар таёрлаш АКШ, Германия, Болтик бўйи республикалари, Санд – Петербург, Москва, Киев қаби қатор

саноати йирик шаҳарларда кенг тарқалган. Айниқса саноат корхоналарда ишловчи амалиётчи психологларнинг асосий курали ва иш йуналиши ҳам тренинглари воситасида ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилиш бўлиб, ҳозиргача тупланган тажрибалар бу ишнинг таъсирчанлигини исботлади.

Бизнинг мустақил давлатимизда ҳам бу борада бир қатор ишлар қилинмоқда. Бунга Психологик маслаҳат ишларининг йулга қўйилаётгани, йирик, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалиётчи психологларнинг фаолият курсатаётганликларини мисол қилишимиз мумкин.

Тош «Кизил тонг», «Алгоритм» «Тошсельмаш», «Тенолог» ишлаб чиқариш корхонаси ва бир қатор ташкилотларнинг «психологик маслаҳат» ва «ижтимоий психологик тадқиқотлар», «руҳий чарчокни ёзиш» хоналари фаолият курсатмоқда

Тренинг методларининг асосий вазифалари қуйидагилар билан изоҳланади:

- 1) шахснинг ижтимоий психологик билимдонлигини ошириш;
- 2) мулоқот (муомала) фаолиятида намоён бўладиган яққол билимлар, малакалар ва қуникмаларни ҳосил қилиш;
- 3) самарали мулоқотда намоён бўладиган зарур сифатлар, ижтимоий установақларни шакллантириш, ноадекватларини тузатиш (коррекция);
- 4) узини ўзи туларок англаш, билиш ҳамда ўзгаларга нисбатан туғри муносабатларни шакллантириш қобилиятини ўстириш;
- 5) умуман шахснинг ижтимоий муносабатлари тизимини яққол ижтимоий психологик вазиятларга мослигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш.

Шундай қилиб, тренинг машғулотлари учун махсус вазият, аниқ мақсад шахсий эҳтиёжлар ҳамда ана шундай машғулотларни ўтказувчи шахс ёки бошловчи зарур. Машғулотларнинг муваффақияти айрим тамойилларга аниқ бўйсунгани ва бошқариш малақаси мавжуд бўлишини такозо этади.

Биринчидан, машғулотга ёзилган шахслардан, мунозара ёки ўйив иштирокчиларидан ижтимоий фаоллик талаб қилинади. Чунки аъзолар турли ролли вазиятларда ўзларидаги мавжуд билим ва малақалардан фойдаланиб, гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари ҳамда вазиятнинг талабига қура аниқ ҳулқ —аъвор шакллариини намоён қилишларига туғри келади.

Иккинчидан, Т —гуруҳ аъзоларидан доимий изланувчанлик, муайян жойда вазият ҳамда ролларини таҳлил қилган ҳолда унинг моҳиятини тушуниш у ёки бу ролга қиришга туғри келади, зеро

тренинг тафаккур ва карашларнинг згилувчан ҳамда вазиятларга мое булишини такозо этади.

Учинчидан, ижтимоий психологик тренинг машгулотларида намоён буладиган хулк — атвор шакллариининг объективлашуви, яъни гурух абзоларининг муносабати ва ролининг талаблардан келиб чиккан холда хар бир иштирокчи айнан шу ролга мое харакатни реал хулкда мустахкамлаши ва бошкарлар таъсирида уни онгли равишда кабул килиши зарур.

Ва ниҳоят, хар бир машгулот ва мулокот шерикларнинг максимал тарзда

бир — бирларини хурмат килишларига асосланмоги керакки, натижада шахе

бундай машгулотлардан кейин бегона фикрларни ҳам кадрлашга, улар билан

хисоблашишга, «гузга булиш» ва бировларни тинглашга, мос тарзда уз фикр

мулохазаларини баён этишга урганеди.

ИПТ нинг иккита асосий тури мавжуд:

1. табиий тренинг

2. махсус тарзда уюштирилган тренинг

Табиий тренинга кишининг ижтимоий хаёти муносабатлар тасирида, кундалик хаё фаолияти такозоси билан шаклланиш имконияти мавжуд булган аник ижтимоий психологик вазиятлар киритилади. Масалан: Ёш болаларнинг турли ижтимоий роллар доирасида узаро хар хил ролли ва суюжетли уйинлар билан машгул булишлари унда турли ролларни импровизация килишлари (мехмон, мезбон, укитувчи, доктор) ва хокозолар табиий равишда улардаги нафакат Дуне карашни (узгартиради) шакллантиради, балки булгуси ижтимоий фаолиятга таёргарлик вазифасини утайди.

Махсус тарзда ташкил этилган тренингда эса алохида вазиятлар ва хар бир уйин иштирокчисининг шахсий эhtiёжлари, уларда индивидуал шаклланиши зарур булган сифатлар катта рол уйнайди, ва шахс атайлаб у ёки бу ижтимоий психологик вазиятга узгалар тамонидан туширилади.

Назорат учун саволлар

1. Ижтимоий психология нимани урганеди?
2. Социал тренингнинг ва амалиёт нимани урганеди?
3. Сойиал тренингнинг кандай турлари мавжуд?
4. Социал тренинг асосчилари кимлар?
5. Социал тренинг макседи ва вазифалари нималардан иборат?
6. Махсус уюштирилган тренинг нима?

2-мавзу: СОЦИАЛ ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГНИ +ЫЛЛАШ ШАРТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ (4-соат)

Режа:

1. Фаол ижтимоий психологик методларнинг асосий хусусиятлари.
2. Мунозора методлари.
3. Уйин методлари.
4. Перцептив тренинг методлари.
5. Самарали мулокатга ургатиш муаммолари.

Таянч сюз ва иборалар

Шахсий фаоллик, мунозара, бахс, ролли ўйинлар, Т – гуруҳлар, сензитив, перцептив, сезгирлик, самарали мулокат, мулокатманлик.

Инсоният тарихи қанчалик қадимий бўлса, инсоний муносабатлар, шахслараро ижтимоий муносабатлар масаласи ҳам шу даражада кўҳна ва ҳамиша долзарбдир. Инсон тафаккури ва унинг ақл-идрокига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шуки, унинг таққиёти, энг аввало, кишилиқ жамиятидаги ызаро муносабатларнинг қай даражада мукамаллиги ҳамда инсонийлигига боғлиқ шунинг учун ҳам ҳар бир шахс ва жамият учун демократик, инсоний муносабатлар мезони муҳим ва ыта аҳамиятлидир. Зеро, демократик муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг муҳим бир шакли сифатида ҳар бир мыътадил тараққий этаётган инсоннинг маънавий, иродавий, интеллектуал, ҳуқуқий ҳамда маърифий баркамоллиги негизини ташкил этади. Истиқлол туфайли ыз мустақил тараққиёти йылидан бораётган республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муносабатларга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш - шу куннинг энг долзарб ва устивор вазифаларидан биридир. Ижтимоий психологик муносабатларнинг психологик табиатини таҳлил қилар эканмиз, унинг шахс камолати ва салоҳиятига таъсири масаласига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиздир, чунки айнан жамиятда шахслар аро муносабатларда шахсда ызини ызи англаш, ызини ызи камол топтириш жараёнлари тезлашади, самимий инсоний муносабатлар, инсон ҳақ ҳуқуқини эъозлашга асосланган муносабатлар шахснинг ызи ҳақидаги билимларини, ыз имкониятларини ва насл – насабини аниқроқ ҳамда тўғрироқ тасаввур қилишга имкон беради.

Иккинчидан, айнан тўғри ижтимоий муносабатлар ызга шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам англаш, уларни ҳурмат қилишга қаратилган тасаввурлар мажмуининг былишига имкон яратиб, инсоний муносабатларда маданият ва илтифот тамойилларига амал қилинишига шароитлар яратади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ёшлар тарбиясида уларни янгича ижтимоий муносабатларга ургатишнинг айрим жиҳатлари ҳақида фикр юритамиз.

Биринчидан, ижтимоий муносабатлар ёшлар тарбиясининг барча босқичлари ва жабҳаларида эътиборга молик объект

сифатида қаралмоғи лозим. Яъни оилавий муносабатлардан тортиб, то меҳнат жамоаларидаги муносабатларда инсон шахси, индивидуаллиги, бетакрорлигини ҳурмат қилиш, унинг ыз иқтидори, маслаги ва имкониятларини қандай бўлса, худди шундайлигича табиий тарзда қабул қилиш ва шу асосда унинг ривожини учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Олий ўқув юрларида бўлғуси мутахассислар тайёрлашда уларда касбий маҳоратнинг ўсишини таъминловчи маънавий омиллардан бири - талабанинг шахсий интилиши, қизиқиши, маслаги нуқтаи назаридан ыз билимига ва малакаларига муайян талаблар қўя билишдир. Бошқача қилиб айтганда, биз таълим "стандарт" ларига тыла жавоб берадиган шахсни мутахассис сифатида бир қолипда тарбиялашимиз қийин, лекин мақсадли таълим-тарбия заминидан хар бир талабанинг ривожига туртки бериш, унинг муомала тафаккури ўсишига таъсир этиш усулларини қўллашда энг самарали муомала шакллари амалиётга татбиқ этиш зарур. Демократик тенг ҳуқуқлилика асосланган ызаро муносабатларгина талабага ызини ызини англаш, келажакда жамиятга нима бера олиши тасаввурларга эга бўлиш, ўз руҳиятида "ички тартиб-интизом"ни жорий этиш ва шу асосда ызини-ызини руҳий-маънавий жиҳатдан тарбиялаш тизимини амалга оширишга имкон беради. Зеро, шахс маънавиятини ривожини ҳам аввало ызини ызини англаш, кейинчалик ыз манфаатини англаш ва ниҳоят жамиятни таниш босқичларини тақозо этади.

Иккинчидан, айнан янгича демократик муносабатлар ёшларни касбга туғри йўналтириш, ўз иқтидори доирасида касб танлаш, унга туғри муносабатда бўлиш, бошқача қилиб айтганда, бозор муносабатлари эҳтиёжлари ва талабларига хос ҳамда хар бир шахсининг лаёқатига ва маслагига мос касбни танлашга йўналтиради. Бу жараён кейинчалик мутахассис учун зарур бўлган касб маҳорати ва профессионализм учун муҳим замин хозирлайди.

Илмий адабиётда фаол ижтимоий психологик тайёрлов методлари шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

1. Мунозара методлари. Бу туркумга асосан гуруҳ доирасида утказиладиган мунозаралар, беллашувлар, кундалик амалий фаолиятда учрайдиган турли ҳодисаларни таҳлил қилишлар, ахлоқий ҳулқ — атвор шакллари муҳокама қилишлар киради. Баъзан бу тоифа усуллар ҳулқ — атвор тренинги ёки амалий мулоқот тренинги деб аталади.

2. Ўйин методлари. Бунга дидактик ва ижодий ўйин — лар; бош - арув фаолиятига тааллуқли амалий ўйинлар; ролли ўйинлар — ҳулқ — атвор шаклларига ыргатиш, ўйинли психотерапия, психодраматик коррекция; контрўйинлар киради. Купинча, бу туркум методларни қисқача ролли тренинг деб аташади.

3. Перцептив тренинглар. Бу туркумга асосан махсус Т — рухрарда олиб бориладиган сезгирлик тренинглари, сензитив тренинглар киради. Бундан кызланган асосий мақсад — шахслараро мулоқот жараёнида шахсий қийинчиликларни бошдан кечирадиганларда узига ишонч, сезгирлик ва инсоний муносабатлар сирларини ыргатиш ва шахснинг ызи ҳамда яхлит психофизиологик тасаввурларни янада ойдинлаштиришга ёрдам беришдир. Охириги пайтларда ушбу ва бошка мақсадларда ҳам видеотренинг усули пайдо булдики, бу фан — техника тараққиётининг инсоний муносабатлар соҳасига ҳам кириб келганлигидан далолат беради. Видеотренинг кыпроқ шахсий хулқни коррекция қилиш — тузатиш мақсадларига хизмат қилади. Ижтимоий психологияда барча тренинг методлари былган қуйидаги умумий сифат ёки хусусиятлар фарқланади;

- Энг муҳим хусусият — бу фаолликдир, яъни тренинг гуруҳи аъзолари машгулотларнинг қайси тури былмасин, аввало фаол шахсий мавқеда булишлари ва уни машғулот охиригача сақлашлари шарт, бу холат умуман ушбу услубнинг фаоллигини билдиради; — Тренинг хусусида гап кетганда ҳар доим конкрет ижтимоий гуруҳ назарда тутилади, яъни албатта конкрет, компакт, реал гуруҳнинг былиши ҳам тренингнинг муҳим жихатларидандир;

- Гуруҳнинг ҳар бир алоҳида шахс психикаси ва миссий холатларига таъсирининг рый бериши ҳам унинг ҳар бир турига хос былган хусусиятидир;

- Машғулотларнинг бир неча марта қайтарилиши, яъни тренинг самарадорлиги бир марталик машғулот билан чекланмай, одатда 4 — 8 мартагача давом этиши мумкин;

- Машғулот бошқарувчиси ёки тренер былиши, яъни тренингда гуруҳнинг фаоллиги эътироф этилсада лекин бари бир унинг инструктори, ташаббускори ва бошловчисининг ырни ва роли катта аҳамият касб этади;

Т - гуруҳ хажмига қыйиладиган талаблар, яъни бевосита самарали мулоқотнинг былиши учун машғулотлар ытказиладиган гуруҳдаги одамлар сони 9—12 киши булиши мақсадга мувофиқдир;

Мақсаднинг аниқ ва равшан былиши, танланган мавзу ёки муҳокама, бахс юритиладиган вазият, албатта, маҳал - лий шарт - шароитларга мос былиши, кишиларнинг талаб - эҳтиёжлари ва малаклари доирасидан чиқиб кетмаслиги керак. Шундай қилиб, Ызбекистон шароитида ытказиладиган тренинг услубларини қыллашдан мақсад аввал ундан кызланаётган охириги натижа бошловчи ёки мураббийга аниқ булиши ва гуруҳга одамларни танлашда албатта уларнинг мулоқоти стратегияси ва техникаси, гаплашиш «тилининг» мослигини инобатга олиш керак. Бундан ташқари, Т - гуруҳ аъзолари машғулотлар ытказилиш даврида

муайян маънода узгармас былиши, машғулот ытказиш жойи ҳам имкони борича алмаштирилмаслиги мақсадга мувофиқ.

Маълумки, мулоқотнинг мақсади ва унинг қай даражада амалга оширилишига қира самарадорлиги ҳақида фикр билдириш мумкин. Яъни мулоқот эҳтиёжларидан келиб чиқиб унинг қондирилиши, муаммо ечими билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилишига асосланиб, мулоқотнинг самарали ёки самарасизлиги туғрисида хулоса чиқарса бўлади. Шахслараро муносабат мулоқотга киришувчиларнинг ызаро бир-бирларини тушунишга олиб келса, бундай ызаро муносабатлар самарали ва фойдали ҳисобланади.

Муомалага киришувчи томонларнинг ызаро бир-бирларини тушунишга олиб келувчи йил ёки маром ыз навбатида ыша шахсларнинг ызаро бир-бирларини мавқе быйича билишни таъминлайди. Мулоқотнинг психологик тизимидан шу нарса маълумки, унинг уч асосий қисми, яъни муомала субъектларининг ызаро бир-бирлари билан ахборот, хиссий кечинмалар ва фикр алмашинувини таъминловчи **коммуникатив**, ызаро бир-бирларининг ҳулқ атворларига таъсирларини белгиловчи **интерактив** ва бир-бирларини туғрироқ, аниқроқ, идрок қилиш ва баҳолашларини таъминловчи **перцептив** томони мавжуд. Ушбу тизимнинг ҳар бир томони муомаланинг зарурий ва муҳим таркиблари ҳисобланиб, унинг учинчи бўлаги шахслараро таъсир ытказиш учун жуда муҳимдир. Чунки муомалага киришувчи шахслар бир-бирларини яхши тушунишлари учун, аввало, суҳбатдошнинг юзи, хиссий кечинмаларини идрок қилган ҳолда фикран унинг мавқеида тура билиши, ызини унинг урнида ҳис қилиб, узида ҳукм сураётган ҳис-туйғулар доирасида унинг ҳолатига киришга интилиш (идентификация), қолаверса, бу жараёнда индивидуал ва ижтимоий онгда мавжуд бўлган мутлақ стереотип, онгда ырнашиб қолган тасаввурлардан фойдаланиши (стереотипизация) ушбу жараён туғри кечишини таъминлаб туради. Лекин бу жараёнлар шунчалик тез ва қисқа фурсатда кечадики, шахс баъзан ызидаги ана шундай қиёслашларни онгсиз равишда, ҳаётий тажриба орқали ырнашиб қолган шаблонлар - қолиплар асосида амалга оширади, шунинг учун айрим ҳолларда мулоқот самарасиз ёки хато кечиши мумкин. Ана шундай ҳатоликларга олиб келувчи жараён ижтимоий психологияда **каузал атрибуция** деб аталиб, унинг моҳиятини шахснинг қипинча ыз хиссий кечинмалари ва тасаввурларида ырнашиб қолган қолиплардан нотуғри фойдаланиш натижаси ташкил қилади. Масалан, ташқи қиёфаси қыримсиз талабанинг имтиҳон саволларига жавоб бераётганлигини идрок қилган профессор, негадир, унинг қониқарсиз жавоб бериши, билими етарли эмаслиги ҳақидаги нотуғри тасаввурга эга эканлиги каузал атрибуциянинг айнан ызидир. Ана шундай

жихатларнинг олдини олиш ва мулоқотнинг самарадорлигини ошириш мақсадида унинг ижтимоий психологик омилларини ҳисобга олиш ва шу асосда ҳар бир шахснинг ижтимоий билимдонлигини юксалтириш амалий аҳамиятга эга.

Муомала жараёнининг самарадорлигини таъминловчи ижтимоий психологик омиллар ичида шахснинг мулоқот маромини эгаллаш курсаткичи муҳим ырин тутади. Бу сифат мулоқот саводсизлигига зид былиб, охирги хислат қуйидаги омилларга боғлиқ: 1) узгалар мавқеида тура олмаслик, уларнинг ҳиссий кечинмалари, туйғулари ва муносабатларига бефарқлик; 2) ыз ҳис туйғулари ва муносабатларини бошқара олмаслиги, ыз-ызига масъулиятнинг йықлиги, ыз-ызини таҳлил қилиш имконининг заифлиги; 3) суҳбатда ҳар бир инсон учун бир қарашда табиий ҳисобланган нутқ қобилиятининг йықлиги, яъни фикр-мулоҳазалардаги мантиқ ва узвийликнинг мавжуд эмаслиги; 4) эшитиш қобилиятининг кучсизлиги, яъни бировга мурожаат маъносида гапириш қанчалик буюк фазилат ва масъулиятли фаолият былса, ызгаларни, суҳбатдошни тинглаш ҳам шахсдан қатор сифатларни талаб қиладики, тинглай олиш ўқуви ҳам суҳбатни ызига оғдиришнинг муҳим омилдир.

Юқоридаги омилларнинг кучига эътиборсизлик, ызгалар мавқеида тура олмаслик муомалада субъектив ҳодисани келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам туғри йылга қыйилган самарали мулоқот ва уни таъминловчи йыл ва

воситалар иккита асосий камчиликни бартараф этишга хизмат килади;

- ҳар бир шахс тафаккурининг муқобил былиши мумкинлигини англаши, яъи суҳбатдош аввал бошдан ызгаларда ҳам ызиниинг фикрига қарама-қарши фикр былиши мумкинлигини тушуниши ва бу нарса билан ҳисоблашиши зарурлиги; ыз фикрлари ва ҳаракатларининг мотивлари, уларнинг асл сабабларини англаш имконияти, яъни ҳар бир шахсда ыз шахсий тажрибаси, ҳаётга субъектив муносабатлари оқибатида "Эго" - эҳтиёжлар мажмуи шаклланиб борадики, у бошқалардаги айни шундай эҳтиёжларга тубдан қарама-қарши ёки қисман зиддиятли былиши мумкин.

Юқоридаги икки ҳолатнинг мавжудлигини англаш ижтимоий вазиятларда содир былиши эҳтимоли мавжуд ҳатоликлар ва атрибуцияларнинг олдини олади. Шуниси характерлики, айнан қарама-қарши мавқеларнинг былиши аслида ҳаётимизнинг мазмуни ва унинг серқирралигини англатади. Ҳаётий, амалий муомала қарашларнинг айнан бир хиллигини эмас, балки уларнинг ызаро солиштириш имконини беради. Ана шундай мулоқотнинг самараси туфайли одам турли ижтимоий психологик вазиятларда эгилувчан ва мослашувчан сифатлари билан онгли равишда шахслараро зиддиятлар ва низоларни бартараф этади.

Назорат учун саволлар:

1. Янгича ижтимоий муносабатларга ыргатиш нима учун зарур?
2. Хақиқий демократик муносабатлар қарор топишининг асоси нимада?
3. Самарали мулоқатга ыргатиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?
4. Мунозара ва унинг асосий хусусиятлари нимадан иборат.
5. Ёйин методлари нима?
6. Перцептив тренинг хусусиятлари нималарда иборат?

3-мавзу: ПСИХОТЕРАПИЯ ША+ИДА БИЛИМЛАР (2-соат)

Р е ж а :

1. Замонавий психология терапия.
2. З.Фрейд психоаналитик назарияси.
3. Бихевиористик йўналишнинг терапевтик методлари.
4. Гештальт терапия методлари.
5. Нейролингвистик программалаштириш.

Таянч сызлар ва иборалар:

Психотерапия, психоанализ, мижоз, терапевт, бихевиористик йўналиш, имплозив терапия, оперант методлар, гештальт терапия, интрекция, проекция, НЛП.

Психология фани инсоннинг рухий олами, ҳули, инсонлараро муносабатни урганади. Унинг амалий йўналиши тадқиқот предметининг чекланганлиги билан чегараланиб қолмасдан, балки инсоннинг шахс сифатида услишига ёрдам берувчи бир қанча жабахаларни узига қамраб олади ва текширади. Психотерапиядан фарқ қилган ҳолда, бу йўналишлар уз олдига мақсад қилиб рухан носоглом одамни эмас, балки соғлом инсон шахсининг қамол топишини, инсоннинг узлигини англашга ёрдам беришни қуяди. Мақкур амалий психология йўналишида клиник психологлар ва психолог қонсултантлар фаннинг сунгги ютуқларига таяниб иш олиб борадилар. Жамият тараккиёти, Фан-техника революцияси, иқтисодий узғаришлар инсоннинг рухий экологиясига баъзан салбий таъсир қилади. Агарда бундай салбий таъсирлар йигилиб қолса, «Тома-тома қул булур» дейилгандек, одамнинг рухиятида узғаришлар содир булиб, рухий қусурлик даражасига етиши мумкин. Шунинг учун қасаллик пайдо булишидан илгари унинг олдини олса, у ҳолда

инсоннинг баркамол шахс булиб етишувига шарт-шароит яратилади. Бу эса Амалий психологиянинг вазифасидир.

Машхур йуналишлардан бири веналик психолог З.Фрейд томонидан ишлаб чиқилган психоанализдир. Психоанализ таълимоти буйича инсоннинг асосий эhtiёжи - бу сексуал (шахвоний) эhtiёжлардир. Жамият ахлоқ нормаларининг бу эhtiёжларга карама-каршилиги натижасида инсон шахсида турли хил рухий камчиликлар пайдо булади, деб хисоблайди. З.Фрейднинг фикрича, бу жараён онгсиз холда кечади, яъни одам узиди бу нарсалар кечаётганлигини англаб етмайди.

Инсоннинг хар бир хатти-харакати «У», «Мен», «Менинг менлигим» лар уртаидидаги конфликтлар (зиддиятлар) натижаси деб тахмин килинади.

«У» - биологик эhtiёжлар, «У»нинг табиати асосан онгсиздир.

«Мен» - ташки мухит билан мулоқотдан хосил булган рухий тузилмадир. «Менинг менлигим» - ижтимоий мухит ва бу мухит таъсирларининг тусикларидир.

Шу нарсалар орасидидаги карама-каршиликлар, З.Фрейднинг фикрича касалликларни келтириб чиқаради.

Психоанализ назарияси психодинамик йуналиш каторига киради.

Психодинамик йуналиш таркибига Яна Адлернинг индивидуал психологиясини ва Юнгнинг аналитик психологиясини киритиш мумкин.

Адлер Т., З.Фрейднинг шогирди, кейинчалик эса ундан ажралиб уз назариясини ишлаб чиққан олимдир. Унинг фикрича, одамда асосан хукмдорликка интилиш хисси устун туради. Болалиқдаги бундай интилиш унда узини тулик англамаслик хиссини пайдо килади. Натижада у катталарга нисбатан узини камситилган деб хисоблайди. Мазкур психологик холат одамнинг бундан кейинги хаётида муаммолар келиб чиқишига сабаб булади. Айрим одамларда бу хис камситилганли мажмуасини (комплексини) келтириб чиқарса, бошқаларда эса устунлик мажмуасини (комплексини) келтириб чиқаради. Адлернинг фикрича, бу икки мажмуа инсон фаолиятининг асосидир.

Психолг Юнг хам Фрейднинг шогирдларидан бири эди. У хам алохида бир йуналиш, яъни аналитик психологияни ишлаб чиққан. Юнгнинг фикрича, либидо (жинсий алоқага интилиш) инсон яшаши, турмуш кечириши учун зарурий эhtiёжлар энергиясидир. Унингча, либидо факат сексуалликдан иборат эмас. Чунки Юнг коллектив онгсизлик мавжуд булишини курсатиб утади. Юнгнинг фикрича, шахс индивидуализация, яъни узок давом этувчи психологик ривожланиш жараёни оркали узини англайди.

Психоанализнинг терапия сифатида кулланилиши мураккаб ва узок кечадиган жараён хисобланади.

Психоаналитик терапияда 5 та асосий ҳолатни ажратиб курсатиш мумкин:

1. Мижоз билан чуқур ҳиссий муносабатга киришиш. Мижоз бу ҳолат кечишида узининг ижобий ва салбий ҳисларини терапевтга йуналтириши учун имконият пайдо бўлади. Бунинг натижасида миждоз терапевтга узининг хаёт тажрибасини проекция қилади. Масалан онасини рашқ қилган бўлса, терапевтни уз отаси деб, онгсиз равишда ёмон куриб қолиши мумкин.

2. Тушларни талқин қилиш. Тушлар, Фрейднинг фикрича, онгсизлик зонасига йулдир.

3. Эркин ассоциялар - миждоз бир-бири билан боғланмаган фикрларни билдиради. Терапевт уни эркин ҳолда эшитиб туриб ҳулоса чиқариши лозим.

4. Терапевт миждоз қаршиликларини аниқлаб, унинг сабабини тушуниб етиши керак.

5. Терапевтнинг тушунтириши натижасида миждоз болалигида бўлган ходисани объектив равишда бошидан кечиргандай ҳис этиб, қатарсис оқибатида қасаллик йук бўлиб кетишига олиб қелиш қараёнидир.

Бихевиористик йуналиш. Бихевиористик йуналиш «Инсон фаолияти **S-R** (стимул-реакция) орқали кечади» деган назариянинг Дж.Б.Уотсон томонидан ривожлантирилиши асосида юзага келди. Кейинчалик бу формула **S-I-R** (стимул-индивид-реакция) сифатида узгартирилди.

Бу йуналиш буйича шахс индивиднинг қобилиятлари, хаёт тажрибаси, қутишлари ва атроф муҳит таъсирида уз ҳулк-атворини намоён қилиш натижасидир.

Юқорида таҳлил қилинган интерпсихик терапия, фрейдизм ва ҳокозолар миждозга унинг муаммолари сабабини курсатиб, ҳал этиш йулларини курсатмаган бўлса, бихевиористик йуналиш ҳулк-атвор терапиясининг вақиллари инсоннинг муаммолари нотугри реакция билдиришнинг натижаси деб, унинг ҳатти-ҳаракатларини узгартириш муаммони ҳал қилади, деган фикрни илгари сурганлар.

Ушбу фикрнинг негизида миждоз билан ишлашнинг методлари ривожлантирилган. Бу йуналишнинг ютуқлари миждозни даволашга қам вақт сарф этиш ва самарадорлигидир. Лекин кейинги даврдаги тадқиқотларда аниқланишича, бу йуналишнинг натижалари ҳам интерпсихик йуналишники билан бирҳил ҳисобланади.

+арама-қарши шартлантириш. Бу типдаги методлардан бири **систематик десенсибилизация** бўлиб, у нотугри жавоб реакциясига нисбатан қарама-қарши реакция ҳиссини ишлаб чиқишга қаратилган. Масалан, ҳавотирланиш (безрвталаниш) ҳиссини йукотиш учун психотерапевт миждозни қарама-қарши реакция ҳолатидан булашга ургатади. Кейинчалик ижтимоий турмушда одам

бундай вазиятдан бушаши оркали муаммони ечиш йулини топиши мумкин.

Имплозив терапия систематик десенсибилизациядан фаркли уларок, миждода хавотирлани сезаётган булса, унда хавотирланиш кучайиши натижасида «портлаш» келтириб чиқарилади ва ш у оркали миждоз вазиятга мослаштирилади.

Аверсив шартлантириш ижтимоий зарарли хулкни йукотишга каратилгандир. Бу метод буйича ёкимсиз холатни ёки таъсирни келтириб чиқариш муаммони ечиши мумкин. Масалан, алкоголь ичса, кустирадиган дори берилди ва бу ёкимсиз кайтарилиш ундан олинадиган «кайф»ни йукка чиқаради. Кейинчалик даволанувчи ичишни ташлаб юбориши мумкин. Юкоридаги методлар куркинчли вазиятларни енгишда фойдалидир. Улардан фойдаланиш учун миждоз розилигини олиш мақсадга мувофиқдир.

Оперант методлар. Бу методлар Скиннернинг керакли хулк-атвор турига аста-секинлик билан якинлаштириш принципига асосланган.

Хулк-атворни вужудга келтириш методи. Миждознинг куникмаларини хар томонлама урганиб чиқиш оркали унинг учун ахамиятли совга хадя килиш мумкин. Масалан, керакли хулк-атворга якин харакат килса, конфет бериб, шу тарзда давом эттириш оркали керакли хулк тури вужудга келтирилади. Бу метод болаларда ишлатилади.

Жетонларни йигиш методи. Бемор ижобий харакатлари учун жетон олади. Маълум бир миқдорда жетонлар тупланганидан кейин эса бошкалар олдида устунликка эришади. Масалан, сигарет чекиш хукукини олади.

Моделга таклид методи. Терапевтнинг берилган вазиятга нисбатан реакцияларини имитация (таклид) килиш оркали керакли хулк-атворни эгаллаш.

Ўз-ўзини назорат килиш методи. Мақсадга мос харакат учун ташкаридан эмас, балки шахсинг узи томонидан мукофотлаш юзага келади. Пациент уз хулкидаги ўзгаришлар учун узини узи ёкимли мукофот билан такдирлайди.

Юкоридаги хулк-атвор терапияси методлари билан кискача танишиб чикдик. Энди Яна бир интерпсихик терапия мажмуасига кирувчи гуманистик йуналишнинг асосчиси Роджерс голярига тўхталиб утаммиз. **«Клиентга марказлашган терапия»** методи билан танишамиз.

Гуманистик йуналиш гуманистик фалсафага асосланган булиб, у 1950-йилларда Калифорнияда вужудга келган. Бу йуналиш вакилларининг фикрича одам узича усиши, камол топиши мумкин. Агарда инсонга уз такдирини узи хал килишга шароит яратиб берилса, Роджерснинг фикрича, хар бир одамда узининг имкониятларини амалга ошириш учун асос факат мос ижтимоий

мухитдагина ривожланиши мумкин. Боланинг «Мен» концепцияси ижтимоий тажрибалардан келиб чикиб шаклланади. Идеал сифатида уз имкониятлари чгарасида узининг мавжудлиги хакидаги фикр идеал «Мен» концепциясининг тугилишига олиб келади. Реал «Мен» идеал «Мен»га якинлашишга ва идеал «Мен» даражасида ривожланишга харакат килади. Одамдаги узини хурмат килишга интилиш, бошқалар Кузи унгида обрули (нуфузли) булишга интилиш тускинлик килади. Бинобарин, одам узлигини йукотади. Узини англаб етишга ёрдам бериш оркалигина миждоз олдидаги муаммоларни ечиш мумкин, чунки реал «Мен»ни идеал «Мен»га якинлаштириш оркали уртадаги ораликни камайтириш мумкин, деган гоё илгари сурилади.

Клиентга марказлашган терапиянинг асосий усулларини куйида тахлил киламиз.

Миждоз уз-узига ёрдам килиш имкониятига эга, терапевт эса йуналтирувчидир, деган тамойилга асосланиб, у узига нисбатан хурмат даражасини оширишга харакат килиши лозим.

Роджерс энг мухим 4 та шартни илгари сурган:

1) Терапевт уз установакаларига карши чикиб булсада, миждоз хисларига шартсиз иждобий муносабатда булиши лозим;

2) Миждознинг эмпатия хисларини терапевт уз тажрибасига таянган холда хис килиб куриши, оламга унинг нигохи билан караши лозим;

3) Аутентлик - узининг ички жавобларини никобламасдан миждоз билан муносабатга киришиш;

4) Терапевт миждоз муаммосинитушни кузатшунтиришга, уни ечишга харакат килмаслиги керак. У факат акс эттирувчи ойна сингари хизмат килиши ва миждоз айтганларини эшитиб утириши лозим. Миждоз фикр билдириши давомида унинг муаммосини терапевтик шаклдаги аксини куриб, унга янгича мантикий тахлил килиб ечиши мумкин. Роджерснинг фикрича, одам уз реал «Мен»ни хакида тасаввурга эга булганидагина уз муаммосини хал килиш йулини топади. Терапевт одамнинг реал «Мен»ини куришга;

5) Ёрдам бериши зарур.

Бу метод асосан хисларини ва фикрларини очик-ойдин айта оладиган миждозларга самарали ёрдам беради.

Назорат учун саволлар:

1. Замонавий психологик терапия.
2. Т.Адлер ва К.Юнг тадқиқотлари
3. Психоаналитик терапиянинг асосий холатлари.
4. Бихевиористик йўналиш.
5. +арама-рарши шартлантириш.
6. Имплотив терапия.
7. Аверсив шартланиш.

8. Оперант методлар.
9. Хул=-атворни вужудга келтириш методи.

4-мавзу: ГУРУХИЙ ПСИХОТЕРАПИЯ

(2-соат)

Р е ж а :

1. Гуруший психотерапия ща=ида маълумот.
2. Психодрамма.
3. Итрекция, проекция ва катарсис.
4. Тренинг гурушларининг асосий хусусиятлари.

Таянч сыз ва иборалар:

Психодрамма, Якоб Морено, ижтимоий роль, теле психодрамма, катарсис, гуруший психотерапия, тренинг гуруши, гуруший тренинг.

Психодрама - 20-йилларда Морено томонидан ишлаб чиқилган метод булиб, у гурухий психотерапиянинг шаклланишига асосий туртки булиб хизмат қилган.

Бу метода миждознинг рухий оламини урганиш учун психодрамада гурухий драматик импровизация кулланилади. Психодрамада миждоз уз долзарб муаммосини гурух билан уйнаб куриши мумкин.

Масалан, миждознинг муаммоси отаси билан гаплашиш булиши мумкин. Терапевт режиссер сифатида ролларни булиб беради. Шароитга караб одамлар предметлар ролида стол, стуль, лампа ва бошкалар ота ролида чиқиши мумкин. Ота ролини уйновчи миждозга отасининг хусусиятлари айтилади ва у вазиятни уйнаб куради., кейин бошка вазиятни кузатиб турган гурух аъзолари уз вариантларини курсатишади. Ёки булиб утган воқеанинг миждозда кучли хис уйготган томонини уйнаб курсатишади. Шуниси кизикарлики, бу ходиса уйналаётганда миждозда уша хис бошдан кечирилиши, хатто у хушидан кетиб қолиши мумкин.

Психодраманинг максоди ҳам, Морено фикрича, миждозда кучли туйгу ва хислар кчишини уйготиш оркали тажрибани янада такомиллаштиришдир. Психодрамада роли уйин услуби кулланилади. Бунда уйин спонтан ва иждодий кечади. Бу нарсалар уз ичига адекват жавоб беришни ва янгиликни олади. «Теле психодрама» проекция сифатида кулланивчи тушунчадир, яъни роллар уйналиши давомида оламга бошка одам Кузи билан караш гоёси ётади.

Катарсис - кучли хисни бошдан кечшунишириш булиб, унинг натижасида инсайт йули билан муаммони янгича тушуниш келиб чиқади. Купинча «Монолог» ва иккинчи «Мен» методлари ишлатилади.

Роллар алмаштириб борилади ва охирида фикр алмашиш оркали янги билим ва янги хулк- атвор эгалланади.

Гурухий психотерапия термини Якоб Морено томонидан психология фанига олиб кирилган.

Гурухий йуналишда, юкорида курилган терапевтик йуналишларнинг аксариятидан фойдаланилади. Гурухий йуналиш факат рухий касаллар билан эмас, балки соғлом, узини шахсан ривожлантиришга ва англашга, муаммосини ечишга интиладиган одам билан ишлашга ҳам каратилган. Гурухий йуналишнинг устун томони шуки, унда терапевт эмас балки гурух аъзолари муаммони ечишга ёрдамлашади, яъни бошкалар муаммосини хал кили шоркали уз рухий оламини бойитишади. Бизда гурухий йуналиш социал психологик тренинг деб номланади.

Тошкентда тренинг гурухлари билан ишлаш аста-секинлик билан ривожланмокда, бироқ бу хали етарли даражада эмас.

Чет элларда гурухий тренинг ишлари яхши йулга куйилган, шулардан айримларига тухталиб утамиз. Гурухий тренинг одамнинг бошкалар хакидаги тасаввурини узгартириб, Янги харакат шаклларини, яъни жамиятнинг кичик моделини гурухда урганиш методидир.

Гурухий психотерапияда асосий нарса гурухда лабилизация, яъни доимий урганилган харакатлардан кучли хислар натижасида воз кечиш ва янги хатти-харакат шаклларини кабул килиши, бошкача килиб айтганда, оламни тор кобикдан чикиб идрок килишдир.

Трансакцион анализ назарияси. Бу назария Э.Берн томонидан ишлаб чикилган. У асосан ижтимоий муаммолар ва муносабатларни ижобийлаштиришга каратилган. Э.Берннинг фикрича, одам хётида уч хил позициядан иборат рольни уйнайди: «ота-она», ката одам ва ёш бола. Одам хаётида шу позициялардан бирига асосланиб фаолият курсатишга урганган. Вазиятга караб бу позицияар узгариб боради. Яъни болада ёшлигидан катта одам хакидаги тасаввур асосида «катта одам» позицияси, ота-онанинг тасирида эса «ота-она» позицияси вужудга келади.

Болалигидан тупланган тажриба боланинг шахсий позициясини вужудга келтиради ва бу нарса унинг муносабатларида намоён булиши мумкин. Масалан: бир одам бошка одамга ота-она позициясидан туриб маслахат килса, бошкаси эса бола позициясидан туриб жавоб килиши ёки карама-каршилик мавжуд булса, у холда бошка позицияларнинг бириданжавоб бериши эхтимол. Карама-каршилик, яъни трансакцияларнинг карама-карши келиши конфликт (низо)ларнинг олдини олиш ролларни ижро этмасдан туриб, яшаш учун узидаги «катта одам» позициясини англаб етганидагина ривожлантириши мумкин. Бу метод одамнинг муносабатларини англашга ёрдам беради.

Гештальт терапия методи. Гештальт терапия методи Фредерик Перес томонидан асосланган булиб, Ушбу метод гештальтпсихологиянинг «шакл-фон» назарияси замирида ишлаб чикилган, яъни бирор объект шакл булса, бошка объектлар шу шаклни англашга ёрдам берувчи фон сифатида хизмат килади. Гештальттерапияда бирорта англанилган шакл булса, бошка хислар англанилмай қолади, деган тамойилга таянилади. Гештальт «яхлитлик» деган маънони англатиб, фонда вужудга келувчи шакл булиши мумкин. Одам рухий муаммоларининг келиб чикишида англанилмай колган тузилмани гештальт сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу муаммони ечиш учун гештальт вужудга келиши, миждоз эса узини англаб етиши шарт. Бунинг учун терапевт «шу ерда ва хозир» тамойилини куллайди. Масалан; вербализация орқали «шу ерда ва хозир англаяпман» деб бошланувчи сузлар билан мувожаат қилади. Кейин бу ҳолатларнинг яхши ёки ёмонлиги, қулай ёки ноқулайлиги англанади. Гештальттерапевт миждозга узини англашига ёрдам бериш учун унинг хатти-харакатларига диққатини қаратиши, яъни хатти-харакатни англаш орқали хисни англашга, хисни англаш орқали эса гештальт тузилишига, муаммо ечилишига ёрдам бериши мумкин. Миждоздаги химояланиш механизмларини унинг узига англатиш ҳам гештальттерапиянинг йулидир, яъни одам ташқи олам йуналирган эhtiёж энергиясининг иждимой қарама-қаршилик натижасида узига қайтарилишидир. Бу нарса ретрофлексия деб аталиб, у «узига қайтариш» маъносини англатади. Бу энергия кейинчалик шу йуналишдаги бошка эhtiёжлар вужудга келишига тусик булиши мумкин. Масалан, бировни уришга эhtiёж тугилиши натижасида одам қулида оғрик пайдо булиши ва бунинг сабабини англаш оғрик зарбини йукотиши мумкин. Кейинчалик Перес одам узини узи қийнашини, «бу нарсани қиламан ва буни қилмайман» деган мулохазасини «юқори ва пастки» деб номлаган.

Интрекция. Интрекция одамнинг ташқи оламдаги нарсаларни бировлар обруйига асосланиб қабул қилиб олиши хисобланади. «интрект сингмай қолган, қайналмаган овқатга ухшайди», деб ёзади Перес. Интректни англаш ҳам муаммони ечишга ёрдам беради. Масалан «Қиз боланинг сочи узун булиши керак» деган интрект булиши мумкин. Бу нарсани англамасдан қабул қилган қиз чиройли булиши учун сочини кестиради ва виждон азобида қолади. Буни тушуниб етиши уни виждон азобидан қутқаради.

Проекция. Проекция-интрекцияга қарама-қарши уз фикрини бошқаларнинг фикрлари деб қабул қилишдан иборат. Масалан, ҳаммага қарама-қарши турадиган одам «Бошқалар ҳам менга қарши» деган фикрда булиши мумкин. Бошқалар бундай фикрда булмаса-да, у уз фикрларидан қайтмайди. Перес проекциянинг олдини олиш учун «Уз фикрига жавобгар қилиш» деган гоъни илғари суради. Жавобгарликни қабул қили шорқали, яъни муаммо узиники

эканлигини кабул килиш натижасида мижоз етуликка эришиши мумкин. Гештальттерапия - шахсинг узлигини англашга, анна шу оркали уз муаммоларини «шу ерда ва хозир» хал килишга ёрдам берувчи метод хисобланади.

Нейролингвистик программалаштириш. НЛП энг замонавий ва кенг таркалган терапевтик йуналиш булиб, у мижознинг узини англашга, хатти-харакатлари ва сузлари уртасидаги карама-каршиликни тушуниб етишга ва бошка одам бегона эканлигини тушунишга ёрдам беради.

НЛП юкорида тахлил килинган методларнинг энг самаралиларини танлаб куллаш натижасидир. НЛПда асосан лингвистикага, яъни сузларнинг тузилиши рухий оламнинг курсаткичи сифатида кулланишига асосланилади. НЛПда одам уз сезги аъзоларини ишлашидан келиб чикиб, ташки таъсирларга нисбатан уч хил жавоб бериши тан олинади. Репрезентив системада ташки олам **1) аудиял, 2) визуал, 3) кинестик**, яъни асосий масофали ва ички харакат рецепторлари асосида кабул килиниб, шу асосда ташки оламга нутк оркали жавоб кайтарилади, деб тушунтирилади. Юкорида куриб утилган терапевтик методлар оптимал ишлаши учун хозирги вақтда ижтимоий психологик терапевтик гурухлар билан ишлаш йуналиши ривожлантирилган.

Назорат учун саволлар:

1. Гуруший психотерапия.
2. Психодрамминг пайдо былиш тарихи.
3. Психодрамминг ма=сади.
4. Катарсис ва унинг асосий хусусиятлари.
5. Ижтимоий рол ва роллар алмашинуви.
6. Гуруший тренинг ва уни ташкил этиш.
7. Интрекция ва проекция методлари.
8. Нейролингвистик программалаштиришнинг ашчамияти.

5-мавзу: СОЦИАЛ ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГДА ГУРУШЛАРНИНГ АСОСИЙ ДИНАМИК УСУЛЛАРИ

(2-соат)

Р е ж а :

1. Тренинг гурушларининг пайдо былиши.
2. Гуруший маш\улотларни ташкил этиш.
3. Курт Левиннинг Т-гурушлари.
- 4.

Таянч сыз ва иборалар:

Психодрамма, Якоб Морено, ижтимоий роль, теле психодрамма, катарсис, гуруший психотерапия, тренинг гуруши, гуруший тренинг.

Гурухий машгулот утказишда асосан доира шаклида утириш кабул килинган. Доирада хама одам бир-бирини куриб туради. Шунинг узи одатда янгиликни кабул килиш учун узгаришни вужудга келтириши мумкин. Одам хар бир группа аъзоси тенглигини идрок килади ва англайди. Унинг асосий принциплари «шу ерда ва хозир», «активлик» ва «конфиденциаллик»дан иборат. Уз хатти-харакатлари хакида салбий гапларни эшитишни хохламаган гурух аъзоси «техника», «топ» каби сузларни ишлатиши мумкин.

Букаби машгулотлар Узбекистонда социал психологик тренинг утказишда кулланилади. Гурухий меъёрлар кабул килиш чет элларда бир мунча бошкачарок кечади. Масалан: баъзи бир психогимнастик машгулотларни Узбекистон шароитида тарбияланган одам бажаришни узига нокулай деб билиши мумкин. Худи шу сабабли, бизнинг фикримизча чет элларда кулланилаётган гурухий тренингларни Узбекистон шароитига мослаштирмасдан туриб, тугридан тугри куллаш мумкин эмас. Узбекистон шароитида тренингларни ташкил этишва утказишда этнопсихологик ва миллий хусусиятларни хисобга олиш яхши самара беради.

Чет Эл психологиясида Моренодан кейин гурух билан ишлашга кизикиш Курт Левин ишларида куринади. Курт Левинга кадар хам бир канча мутахассислар бу йуналишда иш олиб боришган, лекин Курт Левинни тренинг гурухларининг отаси деб аташ мумкин.

Курт Левин уз тадқиқотларини 1930-йилларда бошлаган. Биринчи Т-гурух тасодифан вужудга келган. К.Левин бизнесменлар билан ишашда гурухий муаммонинг тезда хал булишини кузатган ва ш у асосда бу йуналиш Т-гурухлари сифатида дунёга келган. Тренинг гурухи укитиш лабораторияси булиб, унда шахс турли ижтимоий муносабатларга ургатилати ва зарур ижтимоий билимларни эгвллвши мумкин. Шу сифати билан тренинг гурухлари хар хил мақсадга эга булиши мумкин. Масалан сенситивликни ошириш гурухларида тренинг гурухи катнашчилари сони 12 киши чегарасида булиши керак.

Карл Роджерс Гуманистик психологиянинг асосчиларидан бири булиб, узига хос терапевтик йуналишга асос солган. У инсоннинг бошка одамлар билан муаммоси аутентик булишига ёрдам беришни уз олдига мақсад килиб куяди. Унинг асосий белгилари; учрашув катнашчиларининг узлигини очиш, хисларини англаш, жавобгарлик, уз «мен»ини англаш, «шу ерда ва хозир» тамойилига асосланганликдир.

Психологияда шунингдек Гештальт психология йуналиши томонидан ишлаб чиқилган психотерапевтик методлар хам мавжуд. Гештальт гурухлар юкорида курилган гештальттерапия методларига

асосланади. Бошқа гуруҳлардан фаркли уларок, гуруҳ машгулотларини тренер хар бир аъзо билан айрим-айрим утказиши мумкин. Бошкалар эса «буш иссик стул» техникаси буйича кузатувчи хисобланади. Уз муаммосини ечишни истаган одам буш стулга келиб утириб, бошкаларни кузатиш оркали уз муаммосини оптимал йул билан англашга харакат килади. Бу гештальттерапиянинг гуруҳий курунишидир. Одатда икки стуль техникаси хам ишлатилади. Бу Моренонинг иккинчи «Мен» методига ухшайди. Киши уз ретрофлексиясини англаш учун ёнидаги буш стулга проекция килади ва иккита одам сифатида узига-узи савол-жавоб кила бошлайди. Гуруҳ «иссик стул»даги маслахатлар билан ёрдам бериб туради. Гештальт гуруҳларнинг асосий максоди жавобгарликни узига олган холда узлигини англашдир. Гештальт назарияси буйича одам узини англаш вақтида самимий курунгандагина яхлитлик, гештальт хосил булади, муаммо ечилади.

Гештальттерапиядан фарк килувчи яна бир йуналиш - бадан билан ишлаш гуруҳларидир. Бу йуналишга биоэнергетика, фельденкраса методи, Александр методи, струтуравий интеграция, бошлангич терапия ва хокозо бадан билан ишлаш гуруҳлари киради. Бадан терапияси асосида ретролексия, мускул броняси хосил булиши хакидаги Вильгельм Райх назарияси ётади.

Нафас олиш харакати машқлар оркали «мускул броня»сида котган энергия чиқарилади ва у оркали хисларни англаб, энергияни чиқариш – бу йуналишнинг максидидир.

Психологияда шунингдек санъат терапияси гуруҳлари хам мавжуд. Улар сублимацияга асосланган булиб, ички онгсизликдаги ортикча энергияни образлар оркали чиқариб ташлашни уз ичига олади.

Булардан ташқари бихевиористик назарияга асосланган гуруҳлар хам мавжуд.

Юкорида биз хозирги замон психологиясида мавжуд булган ва инсон шахсини ривожлантиришга каратилган индивидуал ва гуруҳий методларни кискача тахлил килиб утдик. Хозирги замон иктисодий кийинчиликлар шароитида узиги ишончини йукотиш ва ижтимоий мухитдан кочишга интилиш каби салбий туйгулардан кутулиш учун Узбекистонда мазкур методларга таяниб иш курадиган гуруҳий тренинг лабораториясига ухшаш марказлар аста секин ташкил этилмоқда. Уларнинг Янги хаёт бусагасига кадам ташлай деб турган инсонлар учун ахамияти жуда каттадир.

Жамият одамлардан, одамлар эса рухият ва тана яхлитигидан ташкил топади. Одам канча рухан соғлом булса, узига ишонса, шунча куп меҳнат кила олади.

Мавзу: МУЛОҚОТГА ЫРГАТИШГА ОИД ЫЙИН МАШҚЛАРИ ТИЗИМИ

Режа:

1. Мустақиллик тренинги
2. Мулоқатмандлик тренингининг таркибий қисмлари.
3. Мулоқатмандлик тренингига қўйиладиган талаблар.
4. Тренер шахсининг тренингдаги ўрни.
5. Муқотмандлик машқлари тизими.

Таянч сўз ва ибора:

Муомала, мулоқатмандлик, мулоқатмандлик машғулоти, психологик контакт, психодрама, самимийлик, хайрихоҳлик, ызаро ишонч, мулоқат усуллари, тренинг қоидалари.

Ўйинга оид социал тренинг-бу инсонни мулоқотга ургатиш учун бажариладиган ўйин машқлари ва хатти-харакатлари тазимидир. Тренинг жараёни-бу ҳар бир ўйин машқда унинг раҳбари қандай установка беришидан иборатдир. Тренингнинг асосий мақсади-шахсни психологик (рухий) жиҳатдан озод қилиш, унда табиий эркинликни ҳис қилиши ҳамда ўз гуруҳида ва ундан ташқарида ўзаро муносабат ва алоқа ўрната олишни шакллантириш.

Тренингда унинг раҳбари ё тренер ёки дирижёр сифатида иштирок қилган Тренинг мақсадини аниқ ва ниҳоятда тушунарли даражада тушунтириш мақсадга мувофиқ. Масалан, бошқа кишиларни ёки ўзини ўзи тушунишга ургатиш. Ўзгаларни ва ўзини ўзи урганиш, ўзига-ўзи баҳо беришни таъминлайди, бошқалар фикрини ўқиб олиш ва уларни идрек қила

Мулоқатда ўзини ўзи бошқаришга эътиборни туплашни айналма ошириш мақсадида тавсия қилинаётган схемага роли ўйин ва мунозарадар

итиш орқали тренинг вазифасини мураккаблаштириш мумкин

Тренинг 3 қисмдан ташкил топган бўлиб қуйдагилардан иборатдир.

1. Психофизиологик контакт ўрнатиш
2. Психологик контакт
3. Психодрама

Тренингнинг асосий установкиси: роли ўйин шаклида роли вазиятни этишни ташкил қилиш мутлақо зарур, чунки тренинг унинг қатнашчиларидан тренернинг ёрдамида ўйинда яратилган вазиятларга нисбатан индивидуал муносабатини ўйготиш зарур.

Тренингни ўтказиш давомида уни қатнашчиловарининг шахсий мулоқат усуллари ва ўзининг бошқаларга нисбатан позициясини яққол аниқлаштирувчи вазиятни рағбатлантириш жоиз.

Тренингнинг фаолиятит 8-10 машғулоти ва ичига қамраб олади холос.

Тренингнинг ҳамма машғулоти унинг иштирокчилари билан фақат дўстона, самимий ҳис-туйғулар асосида ва ихтиёрий тарзда ўтказилади.

Тренинг иштирокчиларининг сони 7-15 нафар булиши мумкин, лекин бундак ортмаслиги лозим. Гурух билан машқларни утказишдаги мажбурий шартлар буйича коидаларга риоя килинмаса, у холда уйинли тренинг ижобий натижа бермаслиги тугрисида олдиндан келишиб олишиш керак.

Жумладан,

1. бир-бирига самиймилик хайрихолик:
2. бир-бирига ишониш. (узуро ишонч):
3. машқларни бажариш давомида шахсга бахо бермаслик, балки унинг фаолиятига ва мулокат усулларига бахо беришлик:
4. иштирокчилар уйиндан кай даражада каноатланганлиги хакидаги таассуротларини шу захотиёк тренерга маълум килишлик:
5. топшириютарни бажариш факат ижобий гипотезага мылжалланганлик.
6. жисмоний нуксонларга нисбатан эътиборни каратмаслик:
7. тренингнинг бориши жараёнида хеч ким хеч кандай маслахат бермаслик:
8. "Бу ерда ва хозир"-деган шартни бажариш яъни тренинг пайтида руй берган хамма нарса ташқарига олиб чикилмасликка ва хозирги мулокатда нималарни хис этаётганлигини маълум килмаслик:
9. томошабинлар тренернинг рухсати билан эмас, балки гурухнинг барча аъзоларининг розилигигабиноан катнашишлик кабилар:

Тренингни муваффакиятли утказишнинг ва унинг сермахсуллиги муваффакуп жихатдан тренер билан иштирокчилар уртасидаги узуро бир-бирини тушиниш даражасига боғлиқдир.

Уйин тренингини уюштиришда қуйидаги энг қийин холатларни инобатга олиш ва уларни изчил равишда назарда тутиш мақсадга мувофиқ:

1. Узишшг шахсий ички сиқиклигини енгаш, барча иштирокчиларининг кузларига тугридан-тугри ва очик чирой билан, дадил қарай олиш:

2. Уйин фаолиятининг бошида яратилган вазият-энг омилкор ва кулай былиши керак:

3. Тренингни муваффакиятли утказиш тренердан катта (психик) рухий, интеллектуал ташкилий жихатидан катта куч сарфлашни биокувват талаб килади:

4. Тренинг узуро иштирокчиларни бир-бирига ишонган холда узуро самарали таъсир этиш мухитида утказилади:

Юкорида таъкидлаб утилган талабаларга риоя килмасдан туриб, асло уйновчи гурух хосил килиб булмайд. Ва бунга тренинг ижобий таъсир кырсата олмайди.

Машгулотни катта, кенг яхши шамоллатиш имкониятига эга булган шинам хонада утказиш лозим. Хонада иштирокчилар сонига тенг миқдорда стуллар булиши керак. Машгулотда кулай, рохатбахш этадиган, кунгил (дил) очадиган осойишта, сокин шароит яратилган

яхши (яхши лирик ва минор овозли) мусика, деразаларга нозик, нафис дарпардалар тутилгани маъқул ва хакоза.

Ҳар бир иштирокчи узининг уйинги ва уйин юзасидан импрозация килишга (тайёргарлик бажаришга) тайёрлаши рухий жихатдан тайёрламоги даркор.

Барча гуруҳ талабалари психологик-педагогик консилиум ҳақидаги назарий билимларни, унинг аҳамияти ва мақсадини чуқур ыргангандан кейин улар билан ролли ыйин ытказиш таклиф қилинади.

+уйида муло=отга ыргатишга доир ыйин Маш=ларидан намуналар келтирамиз.

1-маш\улот:

«Биз бу ерда нима учун йи\илдик?» Гуруцнинг щар бир аъзоси бу ерга келишдан кызлаган ыз ма=садини тушунтириб бериш лозим. Шундан сынг маш=лар бошланади.

1-маш=: «Саломлашиш»

Тренер гуруц аъзоларини доира =илиб ытир\изади, сынг уларни щар бири 2-3 кишидан иборат гуруцчаларга ажратади. Саломлашиш анди=, санди=, чанди=, хорманг, толманг сингари сылардан тузилган былади. Барча иштрокчилар саломлашишни бир ва=тада айтади, лекин щар бир гуруцча фа=ат ыз сызини айтади холос. Саломлашиш ба=ириб баланд овозда айтилмасдан, балки бир текис нафас олиб сынг танаффус =илинади. Ва ниящоят =андайдир «апчи»га оид ыхшаш сыз хосил былиши керак. У 2-3 марта такрорланади.

2-маш=: «Танишиш»

Тренернинг кырсатмасига биноан, унинг ынг ёки чап томонидан турган иштирокчилардан биттаси ыз исмини айтади, иккинчи иштирокчи эса биринчининг ва ызининг исмини айтади. Тренингнинг 3 иштирокчиси биринчининг, иккинчининг ва ызининг исмини айтади ваш у тарзда танишув охиригача давом этади. Тренингнинг охириг иштирокчиси биринчидан бошлаб гуруц аъзоларининг щаммасининг ва ызининг исмини айтади. Гуруц аъзоларининг бир-бири билан танишиши шу тарзда рй беради.

3-маш=: «Ассоциация»

Гуруц аъзоларидан бири ихтиёрий равищда танланиб, =атнашчиларнинг исмини айтади, сынг бир =атордан тартиб билан щамма иштирокчиларнинг исмини айтиб чи=иши мумкин. У исмларни шундай ощангда айтиши керакки, бу ощанг унинг фа=атгина номини айтаётган кишига нисбатан муносабатини ифодаласин. Шундан кейин у нималарни щис =илганлигини тушунтириб беради. Тренер иштирокчиларнинг щар бири ыз исмини этишган чо\ида =андай туй\уларни, юксак кечинмаларнинг юзага келганлиги хусусида шахсий мулоццазаларини билдирадлар. Тренер ощанг ифодаланиши, темпи, частотаси, тембрига биноан

шошмай мулойим, дыстона, самимий, или= кайфият билан олиб боради.

Ыйиннинг мақсади-хулқдаги салбий ызгаришларнинг мохиятини илмий тушуниш, бу салбий ызгаришларнинг олдини олиш, бартараф қилиш билан боғлиқ куникма ва малакаларни шакллантириш.

Ыйиннинг вазифалари:

-психологиядан ва педагогикадан олинган билимларни мустахкамлаш;

-тарбияси оғир ықувчилар билан ишлаш усули ва методларини ырганиш;

-хулқдаги салбий ызгаришларнинг илмий жихатдан бахолашга ырганиш;

-замонавий тарбия методларини хаётга татбиқ қилишга ыргатиш.

Ыйинни ытказиш учун барча талабалар ызлари амалиётда былган билим юрти ықувчиси ёки ызининг гуруҳдошига психологик характеристика ёзиб келадилар, Дарснинг биринчи ярмида шу характеристикалар, уларнинг камчиликлари, ютуқлари мухокама қилинади (3-4 характеристикани мухокама қилиш етарли). Кейин талабалар ызаро ролларни ("тарбияси кийин ықувчи", "унинг отаси", "акаси", "яқин дысти", "синф рахбари", "психолог", "билим юрти рахбари", "котиб", "врач" ва хоказо) булиб оладилар."

Хар бир талабага унинг вазифаси тушунтирилади. Қолган талабалар эса экспертлик вазифасини бажарадилар. Улар ыйин давомида йыл қыйилган хатоларни ёзиб борадилар. Масалан, "ықувчига" "ота-онага" тығри савол берилдими тығри диагноз қыйилдими, "ықувчининг" хулқини тығри бахоладиларми, тасия қилинган ишлар мақсадга мувофиқми ва хаказо.

Ыйин давомида психология фанидан олинган билимларни кенг қыллашга эришиш керак. Шахс, темперамент, характер, ысмирлар психологиясига боғланган темаларни амалда қылай олиш лозим.

Гуруҳ талабаларининг қизиқишларини, имкониятларини хисобга олган холда ыйин турли шакл ва вариантларида ытказилиши мумкин.

Психологик-педагогик консилиум куйидагича утиши мумкин (кискача баён қиламиз)

Психологик-педагогик консилиум утказиш учун талабалар узаро ролларни булишиб оладилар ва тайёрланади.

Кенгашни "раислик килувчи" очиб беради. У кенгашга нечта усмир ва нима учун таклиф килингани, килиниши зарур булган ишлар хакида маълумот беради. Кенгаш аъзолари билан таништириб чикади (агар янги кишилар булса). Кейин "синф рахбари"га суз беради.

"Синф рахбари" олдиндан тайёрланган характеристикага асосланиб укувчининг хулки, характери, темпераменти, кизикишлари, укишга булган муносабати, уйда узини тутиши, дарсда ва дарсдан буш вақтларни ким билан, каерда утказиши ва хоказолар хакида батафсил маълумот беради. "Синф рахбари" иложи борича "уз ықувчиси"ни тулик тарифлашга, хулқдаги салбий узгаришларни келтириб чикарувчи сабабларни очиб беришга харакат килиши лозим.

Кейин кенгашга укувчининг "ота-онаси" таклиф- килинади. Кенгаш аъзолари уларга мулойимлик, одоблилик билан, жуда эхтиёж булган холда савол берадилар. Улар боланинг ривожланиши кандай кечганини боскичма-боскич мухокама киладилар. Масалан: тугрик вақтида ёки кейинрок жарохатланиш, лат ейиш, захарланиш каби вокеалар булганми? Оилада нечанчи фарзанд? Акалари, опалари, сингиллари, укалари билан кандай муносабатда? Ота-оналари билан муносабати кандай?

Шу тартибда барчанинг консилиум аъзоларининг фикрлари эшитилади ва юкорида курсатилган назарий билимлардан фойдаланиб тавсиялар ишлаб чи=илади.

Назорат учун саволлар:

1. Ыйинга оид социал тренинг деб нимага айтилади?
2. Тренингнинг асосий қисмлари қайсилар?
3. Тренингнинг самараси нималарга боғлиқ?
4. Тренинг гуруҳини ташкил этишда эътиборни нималарга қаратиш лозим?
5. Мулоқатмантлик машқларидан мақсад нима?

Мавзу: ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДОГОГИК КОНСИЛИУМ ЫТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Режа:

1. Психологик – педогогик консилиум предмети, мақсади ва вазифалари.
2. РРК ва унинг ыказиш методикаси.
3. Хулқдаги салбий ызгаришларни баҳолаш.
4. ППК нинг асосий функциялари.
5. ППК иштирокчилари ва уни ташкил этиш.

Таянч сыз ва иборалар:

Консилиум, ижтимоий назорат, реабилитация, қыллаб қувватлаш, психопрофилактика, рахбар, консультант, тарбия, фикр алмашилиш, суҳбат тавсиялар, психокоррекция, хулқ, ысмир хулқи.

Хунар – техника билим юрларида, мактабларда, баъзи хулқидаги салбий узгаришлар билан боғлиқ муаммоларни куплиги хеч кимга сир эмас. Бу муаммолар айниқса хунар-техника билим юрларида яққол кызга ташланади. Чунки мактаблар ва олий ўқув юрларидаги фаркли равишда, хунар-техника билим юрлари" ўқувчилари айтарли бир хил ёшда, Ысмирлардан. Ысмирларнинг психологик хусусиятлари, Ызини катта кишидек хис қилишга интилиш, мустақиллик интилиш баъзида уларнинг хулқида салбий узгаришларни келтириб чиқаради. Психолог шу Ызгарипшарнинг асосида қандай сабаблар ётганини яхшилаб урганиб энг мақбул психологик чоралар кыра олади.

Хозирги вақтда психологик фанининг амалий тармоқлари жуда кенга ривожланмоқда. Кыплаг психологик хизмат турлари пайдо булмоқда. Масалан: оилавий, психологик-педагогик, касб-танлашга ёрдам бериш ва хакозо. Бу борада амалий психология ишида ўқитувчилар, врачлар, ясихиатрлар, ота-оналар иштирок этадилар.

Амалий психологиянинг долзарб вазифаларидан бири Ысмирлар хулқидаги салбий узгаришларни Ырганиш ва уларга ёрдам беришдир.

Ысмирлик ёши ижтимоий, психологик, физиологик жихатлардан жуда мураккаб қарама-қаршилиқларга тыладир. Бу қарама - қаршилиқ ва мураккаблиқларнинг асл сабабларини кыпинча Ысмирнинг Ызи ва унинг атрофидагилар англамайдилар.

Ысмирларнинг ички дунёсидаги қийинчиликлар ташқи оламдаги, мактабдаги, хунар-техник билим юртидаги талаблар билан Ысмир дунёқарашы, мотивлари тықнашганда улар психологиясида, хулқида салбий Ызгаришлар келтириб чиқаради. Натижада Ысмирда асабийлик, бетга чопарлик, Ызини тутта билмаслик каби салбий хусусиятлар, шу билан бирга катталардан Ызининг ички дунёсидаги Ызгаришларни яшириш, катталарга, Ықитувчи ва тарбиячига ишонмаслик, Ыз-Ызига ишонмасликдек сифатлар пайдо булади.

Ысмир Ыз хаётидаги ички ва ташқи қарама-қаршилиқларни катталарнинг ёрдамисиз енгиб Ытиши жуда қийин. Бу борада ўқитувчилар, тарбиячилар, врачлар, ота-оналар хамкорликда ишлашлари керак. Шундай хамкорликдаги ишлардан бири психологик-педагогик консилиумдир.

Консилиум (лотинча consilium - кенгаш, маслахатлашиш) - бир ёки бир қанча соҳалардаги мутахассисларнинг маълум муаммони мукамал Ырганиш ва уни хал этиш усуларини аниқлаш учун кенгашишидир.

Бу тушунча кып фанларда, шу жумладан психология ва педагогика хам қулланилади. Ысмирлар хулқидаги салбий Ызгаришларни Ырганиш учун бу атамани қуллашда хеч бир ғайри табиийлик йық. Чунки бу масала ўқувчи хулқидаги Ызгаришларни хар томонлама чуқур Ырганишни, тарбия жараёнида хатога йыл қыймасликни, йыл қыйилган холатларни тузатишни кафолатлайди.

Шундай қилиб психологик-педагогик консилиум-бу ота-оналар, педагоглар, психологлар, медиклар ва бошқаларнинг

Ысмир хулқидаги салбий ызгариш сабабларини ырганиш, уларни бартараф қилиш учун кенгашишидир.

Агар тиббий консилиумнинг, асосий предмете бирор касалликни ҳар томонлама ырганиш былса, психологик-педагогик консилиумнинг предмети бирор ықувчи ёки ысмир хулқидаги салбий ызгаришлар ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни ырганишдир.

Психологик-педагогик консилиумнинг мақсади:

Ықувчини (ысмирни) психологик жихатдан мукаммал ырганиш ва тахлил қилиш (унинг психик ривожланганлик даражасини, шахсий сифатларини, характерини, темпераментини, ықишдаги ва оиладаги шароитини, соғлигини, ықув гуруҳидаги мавқейни, тенгдошлари орасида тутган ырнини) ырганиш ва ықувчига, унинг ота-онасига, педагоглар ёрдам бериш.

Психологик-педагогик консилиум фақатгина тарбияси оғир ысмирлар учун эмас, балки индивидуал-психологик хусусиятларига кыра оиласида, ықув гуруҳида ёки узининг ички қийинчиликларига учраган ысмирлар учун ҳам фойдалидир.

Ысмирларнинг психик ривожланиши қонуниятларини, уларга таъсир қилувчи сабабларни ырганиш оилада ва таълим-тарбия жараёнида туғри йыл тутиш имконини беради.

Психологик-педагогик консилиумнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ысмирларнинг психик ривожланганлик даражасини ҳар томонлама баҳолаш ысмирнинг диққати, хотираси, тафаккури, идроки, нутқи, хиссиёти ва хакозо ырганилади. Бунинг учун ҳар хил тестлар, эксперементлар кузатиш каби методлардан фойдаланилади. Ысмир шахсини ырганишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак.

а) ысмир ызининг психик фаолиятини мустакил бошқара оладими ёки катта кишилар ёрдамига мухтожми:

б) ысмир ызининг харакатлари, қилаётган ишларининг асл мақсадини тушуниб, шунга мувофиқ иш олиб борадими;

в) ысмир ызи кутган мақсадига эриша олмаган вазиятларни қанчалик тығри баҳолайди.

г) ызи йыл қыйган хатоларни тузатиш учун тығри йыл танлай олиши.

2. Ысмир ривожланишидага салбий ызгаришларни келтириб чиқарувчи, ысмирнинг ықишига, ишига, бошқалар билан ызаро муносабатига халақит берувчи сабабларни психологик жихатдан ырганиш. Масалан ысмир ақлий тараққиётда орқада қолган былиши мумкин. Бу эса ысмирнинг ықув материални, хатти-

ҳаракат қоидаларини, ёқув жамоасига қилинишни қийинлаштиради. Ёсмирдаги ёзгаришларнинг сабаблари органик характерга эга бўлиши ҳам мумкин.

Қўп ҳолларда ёсмирдаги ёзгаришларнинг асл сабаблари ижтимоий омилларнинг таъсири бўлиши мумкин. Бу ҳолда ёсмирнинг ёз атрофидаги одамлар билан муносабатини, улар билан келиша олмасликлари сабаблари, ёз-ёзини баҳолашини, ёзини психологик жиҳатдан ҳимоя қилиш усуллари ва ҳаққо ёрганилади.

3. Ёсмирнинг қамолатга эришишида, унинг қелажақдаги салбий ёзгаришлар қандай натижалари олиб келишини баҳолаш. Бу борада ёсмирнинг ҳаёти унинг ёқиши, ижтимоий маъқеи ва ҳ.к. ҳисобга олинади.

4. Ёсмирга ёрдам беришнинг энг маъқул йўллари аниқлаш. Бериладиган ёрдам ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан: ота-оналар билан ишлаш, уларни педагогик жиҳатдан тарбиялаш, ёсмир ёқишини тўғри ташкил қилиш учун индивидуал режа тузиш, ёз устида ишлаш режасини тузиш, ёсмирнинг ҳиссиёти ёки характердаги салбий ёзгаришга қарши қурашиши ва ҳ.к.

Психологик-педагогик қонсилиум ётқазётганда салбий ёзгаришларни қелтириб қиқарган ва бу ёзгаришларнинг турғунлигини таъминловчи омилларни ҳисобга олиш қерак. Булар туғма, ирсий, ноқулай оила шароити, ёқув юртидаги ёмон шароит, қасаллик ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Қонсилиум ётқазилётганда ҳисобга олиниши қерак бўлган асосий вазифалардан бири ёрганилаётган ёсмирнинг ҳатти-ҳаракати маъёрдан четга қиққанми ёки ҳусусиятларининг таъсири остида пайдо бўлган вақтинчалик ҳодиса эканлигини туғри аниқлашдир.

Ҳулқдаги ёзгаришларни баҳолаш.

Ёсмир ҳулқдаги ёзгаришларга тўғри баҳо бериш учун қўйидаги мезонларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

1. Ёсмир ёки боланинг ёшига мос қелувчи ҳусусиятдир. Баъзи бир ҳусусиятлар маълум ёшдаги болаларга ҳос бўлиб, бу ҳусусиятларни маъжудлиги улар учун табиий ҳолдир, лекин ёсмир учун бу нотабиийдир. Масалан, ёш бола агар бегона қишининг нарқасини меники, деб туғиб олса, бу унинг психикаси салбий ёзгариш бор, деб баҳолашга асос бўла олмайди. Агар бундай ҳодиса ёсмирда юз берса ота-оналар, тарбиячилар бунга алоҳида эътибор бериши шарт.

2. Ҳулқдаги салбий ёзгаришларни узоқ муддатгача сақланиш. Ҳар қандай ёшдаги болани текширишда ёки қузатишда уларда баъзи салбий ишёқмаслик, қиполлик. Аммо бу ҳусуситларнинг узоқ сақланиши ёки жуда тез-тез тақрорланиши қам учрайди. Ёки болада, ёсмирда

мактабга^э ХТБГЮ га боришни хохламаслик баъзида былиши мумкин. Лекин бу хол тез-тез такрорланса ёки узоқ муддат давомида сақланиб турса, бу ундаги салбий ызгаришлардан дарак беради.

3. Хаётий ызгаришлар.

Хар қандай кишининг хулқидаги ёки хиссиётида салбий ызгаришлар былиши мумкин. Бу хаёт шароити ёки танадаги ызгаришлар билан боғлиқ былади. Хар қандай кишининг куч-қувватга тылган, кайфияти кытаринки вақтлари хам былади ва ызини ёмон хис қилган вақтлари хам былади. Кайфияти ёмон былган вақтларда улар жахлдор, жиззаки ёки паришонхотир былиб қолиши мумкин. Шунинг учун ысмирнинг хулқини баҳолаётганда унинг кайфиятини, хаётий шароитларини хисобга олиш керак.

4. Ижтимоий-маданий мухит.

Ысмир хулқини салбий ёки ижобий, деб баёюлашда уни ыраб турган шароитини, ижтимоий мухитни, маданий талабаларни хисобга олинади. Чунки бир шароитда тығри, яхши одат, деб хисобланган одат, бошқа бир мухитда аксинча, ёмон одат, деб баҳоланиши мумкин (аммо хамма холларда эмас, албатта).

5. Хулқдага ызгаришнинг даражаси.

Баъзида ысмир хулқидаги салбий ызгаришларга нисбатан онааларнинг, ықитувчиларнинг шикоят кыпроқ булади. Табиийки ҳар бир ысмирда ялқовлик, катталарнинг айтганларини тылиқ бажармаслик, баъзида қыполлик холлари кузатилади. Бу холлар аниқса биз уларнинг мустақиллигига "тажавуз" солган холларимизда яққол кыринади. Бу хусусиятлар хақиқатдан хам меъёрий чиқиб кетган холларни аниқлаш керак ҳар қандай арзимаган нарса учун уларнинг асабий "эговлаш" хам яхши эмас.

6. Хулқдаги салбий ызгаришларнинг юзага чиқиш частотаси.

Кам холларда, унча сезиларли былмаган ызгаришлар бола рухий олами учун табиий былиши мумкин. Бир марта ызини тутта олмай қолган ысмирни биз хулқи ёмон дея олмаймиз. Унинг хулқига тығри баҳо бериш учун ундаги салбий ызгаришлар тез-тез такрорланиб туришини хисобга олишимиз керак. Бундан ташқари бу салбий хусусият одатдаги шароитларда юзага чиқадими ёки фақат экстремал шароитларда юзага чиқадими, буни аниқлаш лозим.

Хулқидаги салбий ызгаришларни баҳолашда бу ызгаришларни тығри диагностика қилиш. ва баҳолаш мухит. Агар хушчақчақ, харакатчан, фаол яхши ықийдиган ысмир (бола), пассив, инжиқ былса, ықишга қизиқиши кескин камайса бу ялқовлик эмас балки касалликдир.

Бундан ташқари хулқдаги ызгаришларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш хам қарз, хам фарздир. Чунки ысмирдаги салбий ызгаришларни, унинг оиласидаги шароитнинг ызгариши, гуруҳидаги ызгаришлар, ёки бошқа бир объектив сабаблар келтириб чиқариши мумкин.

Диагностиканинг навбатдаги босқичи, бу диагноз қўйиш, яъни салбий ызгаришларнинг мохиятини, табиатини ва келажақда қандай натижаларга олиб келишини аниқлаш. Бунинг учун юқорида санаб ытилган мезонларга асосланган қўйидаги беш аспект быйича бахоланади:

1. психологик-педагогик синдром (аломатлар мажмуи);
2. ақлий ривожланиш даражаси;
3. ёмон хулқнинг биологик омиллари;
4. ёмон хулқнинг ижтимоий омиллари;
5. ривожланишдаги орқада қолиш.

Масалан; диагноз қўйидаги куринишга эга былиши мумкин: ижтимоий шароитга кыника олмайди (1), ақлий ривожланиш меёрида (2), тажавузкор, ызини тута билмайди (3), оиласининг шароити оғир, тез-тез жанжаллар былиб туради (4), ықишда ва хисобда бошқалардан орқада, қолган, (5).

Психологик-педагогик консилиум маълум бир вазифаларни бажариш керак. Бундай вазифалардан тырттасини ажратиб кырсатиш мумкин. Булар ижтимоий назорат, ижтимоий қыллаб-қувватлаш, педагогик реабилитация ва психопрофилактика.

1. Ижтимоий назоратнинг вазифаси.

Ижтимоий назорат функцияси ыз ичига ысмирнинг хулқ-атворини назорат қилиб борувчи, унга тығри йыл-йыриқлар кырсатувчи кишиларнинг ишини ыз ичига олади. Психологик-педагогик консилиум (ППК жараёнида синф рахбари, ота-оналар, ықитувчилар учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқилади. ППК ысмирни тығри йылга солиш учун энг яхши восита ва йыларни аниқлайди. Чунки бериладиган ёрдам мақсадга мувофиқ былмаса, ысмир хулқидаги ызгаришларни чуқурлаштириши, катталар билан унинг орасидаги тушунмовчиликларни хам кыпайтириши мумкин,

2.Ижтимоий қуллаб-қувватлашнинг вазифаси.

Бу вазифа-шахс ызи мустақил равишда енгиб ытолмайдиган, шахс тараққиётига салбий таъсир қилувчи шартларни енгиб ытишда ёрдам бериш.

Бу борада психологик-педагогик консилиум билим юрти рахбарларига, ықитувчи-педагогларга, ота-оналарга маълум тавсиялар бериши лозим.

3.Педагогик реабилитациянинг вазифаси.

Бу вазифанинг асосий мазмуни ықувчининг обрысини ықитувчилар, ота-оналар, дыстлари орасида кутаришдир. Кыпинча хулқида салбий ызгаришлар рый берган болаларга нисбатан ықитувчи ва гуруҳдошларида, хатто ота-оналарда хам ишончсизлик хосил былади. Ундан ижобий иш, ижобий

муносабат, яхши хулқ кутмайдилар. Фақат "ёмонлик" кутадилар. Психологик-педагогик консилиум ықитувчининг фақат салбий томонини эмас, балки ижобий хислатларни ҳам ырганиб, уни ықувчининг ызига, ота-оналарига, педагогларга кырсатиши, унга былган ишончни уйғотиши мухим вазифадир.

4. Психопрофилактиканинг вазифаси.

Психологик-педагогик консилиум билим юрти (ёки беркитилган) хизмат ходимлари, психологик ва бошқа мутахассислар иштирокида ықитувчининг жисмоний ва рухий соғлигини сақлаш, иш қобилиятини ошириш, ықувчилар орасидаги низоларни камайтириш, ықувчиларда пайдо былган ижтимоий, психологик муаммоларни хал қилиш каби ишлар олиб бориш йылларини белгилайди. Бу борада қыйидаги ишлар олиб борилади:

- ықитувчиларнинг талабига биноан ықувчиларнинг ақлий ривожланиши, шахсий ва хиссий хуссусиятлари, уларнинг қизиқишлари ва

қобилиятлари ырганилади;

- ықувчилар билан индивидуал ишлаш режаларини тузиб чиқиб,

ықитувчилар ва ота-оналар тавсия қилади;

- ықувчиларнинг ыз гуруҳига мослашишини осонлаштирувчи, ықувчиларнинг ызига былган ишончини ошириш (ыз-ызини бахолаш) ишларини белгилайди;

- низолар пайдо былишининг олдини олиш учун педагоглар, ота-оналар, ықувчилар билан маслахат ишлари олиб боради.

Психологик-педагогик консилиумга хулқ-атворида салбий ызгаришлар рый берган, ақлий ривожланишида камчиликлар кузатила бошлаган, анъанавий тарбия методлари таъсир қилмай қолган ықувчилар, уларнинг ота-оналари, дыстлари, тарбиячилар таклиф қилинади.

Психологик-педагогик консилиум ықувчиларни, ота-оналарни ёки ықитувчиларни жазоловчи, кырсатма берувчи ташкилотга айланиб қолмаслиги керак. Шунинг учун психологик-педагогик консилиум олиб борувчилар юқори малакали мутахассислари былиши керак. Педагоглар, психологлар, медиклар, психатрлар, наркологлар, милиция ходимлари психологик-педагогик консилиумнинг доимий иштирокчилари былиши керак. Булардан ташқари ықувчилар ота-оналари, тыгарак рахбарлари ва бошқа кишилар таклиф қилиниши мумкин.

Консилиум рахбари. Консилиум рахбари консилиумнинг мунтазам

ишлашини, тавсия қилинган таклифларнинг амалга ошишини назорат қилиш

каби ишларни олиб боради. Ықув билим юртининг рахбарларидан

бири

консилиумнинг рахбари булиши мумкин.

Консилиум котиби. Консилиум котиби ықувчи хақидаги маълумотларни тыплайди, ықувчига характеристика ёзади ёки бу борада синф

рахбарига ёрдам беради, психологик-педагогик консилиум ёрдамига мухтож ықувчилар рыйхатини тузади, консилиум аъзолари билан алоқа боғлаб туради.

Мактаб (билим юрти) врач. Мактаб (билим юрти) врач ықувчи соғлиги ва унинг соғлигини мустахкамлаш борасида олиб борилган ишлар хақида маълумот беради, ықувчи биоан психопрофилактика ишларини олиб боради, иш ва дам олишини назорат қилади.

Балоғатга етмаган ёшлар ишлари быйича инспектор. Агар ықувчи унинг хисобида турган былса, унинг дыстлари, кимлар билан кыпроқ вақтини утказади, у билан қандай ишлар олиб борилганлиги хақида маълумот беради. Психологик-педагогик консилиум таклифига қарши иш олиб боради, ёшларга салбий таъсир қилаётган катталарни аниқлайди.

Махсус-маслахатчи (консультант). Махсус-маслахатчи (консультант) зарурат былган холларда таклиф қилинади. бу нарколог, психиатр, психоневролог ёки логопед былиши мумкин. Улар тығри диагноз қыйиш ва тығри тавсиялар ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Психолог. Психолог консилиумнинг асосий иштирокчиси ва ташкилотчисидир. Психолог қыйилган диагнознинг тығрилиги, қылланилаётган ёрдам ва тарбия методларининг адекватлиги, уқувчи билан олиб борилаётган ишларнинг мақсадга мувофиқлиги, консилиум натижалари быйича шахсан жавоб беради. У ықитувчиларга, оналарга, ықитувчиларга маслахатлар беради.

Синф рахбари (гурух рахбари). Синф рахбари (гурух рахбари) ықитувчига характеристика ёзади, у билан ишлаш жараёнида юзага келаётган қийинчиликларни баён қилади, консилиум олдига маълум талаблар қыяди, кузатиш кундалигини тылдириб боради.

Лозим былганда таклиф қилинган ижтимоий ташкилотлардан келган кишилар (тренер, тыгарак рахбари махалла кенгаши аъзоси ва бошқалар) ықувчи хақида ыз фикрларини билдиради ва зарур ишларни оширишни ыз быйнига олади.

Консилиум кенгаши бир ойда бир-икки марта ытказилади. Консилиум фаолияти ықув йили бошида бошланади. Билим юрти рахбарлари ва психолог бир йиллик режа тузади, ёрдамга мухтож ықувчилар рыйхатини тузади, асосий қилинадиган ишларнинг йыналишини аниқлайдилар.

Кенгаш уч боскичда утказилади:

1) Уқувчи хақидаги маълумотларни ва тахлил килиш (олинган маълумотлар, характеристика, ызлаштириш натижалари ва хоказо) ва уларга аниқлақ киритиш;

Назорат учун саволлар:

1. Консилиум нима мақсадда ташкил қилинади?
2. ПП консилиумнинг вазифалари нималардан иборат?
3. Ўсмир хулқидаги ўзгариш сабаблари нималардан иборат?
4. Хулқида ўзгаришларни баҳолашда қандай мезонларга асосланади?
5. ПП консилиумнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Консилиум ўқув ўйини қандай ташкил этилади?

Мавзу: МУНОЗАРА МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Режа.

1. Мунозара методларининг ижтимоий психологик аҳамияти.
2. Кичик ва катта гуруҳларда мунозараларни ташкил этиш қоидалари.
3. Мунозара иштирокчилари бўлинган гуруҳлар.

Таянч сўз ва иборалар:

Мунозара, баҳс, диспут, генераторлар, катализаторлар, танқидлар, катта гуруҳ, компакт гуруҳ, гуруҳ, Курт Левин. Ўз-ўзини англаш, шахсиятпараслик.

Баҳс ва мунозара йўли билан турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаласига қизиқиш асримизнинг 30-йилларидан бошланган, деб ҳисобланади. Чунки айни бу ҳодисага қизиқиш шу даврга келиб педагогика ва психология соҳаларига ҳам ёйилган ва бу ҳақда биринчи илмий психологик хулосалар қилган олим швейцариялик психолог Жан Пиажедир. У бола ижтимоийлашуви жараёнини ўрганар экан, унинг ўз тенгқурлари билан турли мавзуларда қиладиган мунозара ёки баҳслари ундаги эгоистик шахсиятпараслик мавқеининг сусайиши ва шу тариқа ўз-ўзини англаш билан бир қаторда ўзгалар мавқеларини англаш ва "ўзга шахс бўла олиш" қобилияти-тини ўстиришни аниқлади. Кейинчалик шунга ўхшаш тадқиқотлар соф ижтимоий психологик ҳодисалар доирасида ҳам ўрганила бошланди. Масалан, немис олими Курт Левин ҳам 40-йиллардаёқ гуруҳда кўпчилиكنинг ягона бир қарорга келишининг психологик табиатини ўргана-нар экан, унда ана шу гуруҳларда ўтказиладиган табиий мунозараларнинг ҳар бир шахс ижтимоий установакалари, қарашлари ва гуруҳга муносабатига бевосита таъсири борлигини исботлади. Унинг фикрича, гуруҳдаги мунозара ҳар бир шахснинг гуруҳий фаолиятга нисбатан мотивациясини ошириб, шу билан бирга ҳар қайси аъзонинг гуруҳий жараёнларга қўшилиши, ўз мавқеини англаш, ўзгаларга ниманидир дейиш каби эҳтиёжини оширади. Эркин, демократик тарзда фикр алмашиниш имконияти-нинг яратилиши муҳокама қилинаётган муаммо бўйича

гуруҳ аъзоларидаги фикрлаш жараёнини тезлаштиради, уларнинг ижтимоий мавқеларини янада фаоллаштиради.

К. Левин экспериментларининг реал ҳаётда қандай самара бериши бййича кейинчалик, яъни иккинчи жаҳон уруши йилларида синовлар ытказилган. Ыша йиллари бир гуруҳ аёлларга айрим озиқ-овқат маҳсулотлари, жумла-дан, балиқ консерваси ва паштетининг ҳам фойдали эканлиги, ҳар доим ҳам янги сыйилган мол ёки бошқа ҳайвон гыштини истеъмол қилиш шарт эмаслиги ҳақида чиройли ва ишончли маърузалар ықилган. Лекин эртаси куни ыша тингловчиларнинг 3 фоизигина дьконлардан юқорида тарғибот қилинган нарсаларни харид қилганлар. Бошқа бир аёллар гуруҳига эса айнан шу мавзуда муно-заралар ытказиш шароити яратилган. Кейинги куза-тишларнинг кырсатишича, мунозара қатнашчиларидан 32 фоизи ыша озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ыз фикрларини ызгартирганлар ва таклиф этилган маҳсулот-ларни харид қила бошлаганлар.

Илмий нуқтаи назардан олиб қараганда, мунозара-ларнинг моҳияти ва аҳамияти қуйидагиларда изохланади: анъанавий маъруза тингловчилари таништирилаётган муаммога нисбатан тахминан бир хил нейтрал мавқени билдирадилар, яъни ыша мавзу юзасидан ызида тығри фикр мавжуд былган шароитда ҳам маърузачининг билдираётган фикрларини ишончлироқ ва асосланганроқ, деб ҳисоблаб, мавзу юзасидан шахсий фикрини паст баҳолайди. Агар баён этилаётган фикрлар мутлақо янги былса, унинг моҳиятига тыла тушуниб етиш ва тушуниш қийин, деган маънода яна фикрий пасайиш юзага кела-ди. Фикрлар тықнашувини тақозо қилувчи мунозарада эса қарама-қарши ёки монанд фикрларнинг борлигини анг-лаш ҳам шахсда ушбу фикрларга нисбатан анча фаол мавқени шакллантиради.

Мунозаранинг қандай яқунланишидан қатыи назар, яъни унда фикрлар кесишмаслиги ҳам мумкин ёки уларда маълум уйғунлик былиши кузатилади, бунда нима былган-да ҳам баҳсининг мазмуни шахсининг ижгимойй тасаввур-лари ва қарашларида мустаҳкам ырнашади ҳамда хоти-рада қолади.

Баҳсли мунозаранинг предмети ёки объекти сифатида маҳсус тарзда танлаб олинган муаммо ёки амалий фао-лиятда учрайдиган турли ҳодисалар ва қарама-қарши ғоялар қабул қилиниши мумкин. Масалан, 50 - йилларда инглиз шифокорлари Майкл ва Энид Балинтлар психотерапевтлар семинарини ташкил этиб, унда мунозара ва муҳокаманинг амалий аҳамиятини исботлашган. Улар ҳар куни клиникадаги врачларнинг тыпланишлари ва кундалик амалиётларида рый берган ҳодисалар, фактлар ҳақида маълумотлар бериб, кейин билдирилган фикрлар ызаро муҳокама қилинган. Шу туфайли турли шифокорлар таж-рибасида табиий ҳисобланган "ызбилармончилик"нинг олди олинган ва ҳозиргача

сақланиб қолган " 5 дақиқалик" шифокорлар йиғини пайдо бўлган. Шифокорлар ызаро фикр алмашинишлари туфайли маълум умумий фойдали қарорларга келишлари тиббиёт илми ва амалиё-тининг ривожига ижобий таъсир кырсатган.

Ҳар қандай шароитда ҳам шахснинг ыз бошидан ке-чирганларини ызгаларга айта олиши ва бошқа фикрларни қабул қила олиши катга ижтимоий аҳамиятга эга. Ыша Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган "Т-гуруҳ"лар мето-ди ҳам айнан турли ҳаётий казусларни таҳлил қилиш во-ситасида фикрлар уйғунлигига эришиш ва шахсни тар-биялаш имкониятини яратади.

Мунозара методларининг ижтимоий психологик аҳа-мияти шундаки, улар ҳар бир шахснинг ыз нуқтаи назари-ни таҳлил қилишга имкон яратиб, ундаги ташаббускор-лик, мулоқотдаги билимдонлик ҳамда ыз ақлий потенция-лидан тылиқ фойдаланиш имкониятини беради. Яъни уш-бу туркум методларнинг вазифалари ҳам унинг аҳамиятли мақсадларидан келиб чиқади: а) мунозара қатнашчилари-ни реал вазиятларни таҳлил қилишга, асосий, муҳим нар-сани номуҳим нарсадан ажратишга ва муаммони англашга ыргатади; б) ызгалар фикри, гапириш маҳоратини кузатиш ва шу асосида улар билан ҳамкорликда ишлашга ундай-ди; в) муаммога тааллуқли ранг-баранг қирраларни ажра-тиш, улар моҳиятини англаш имкониятини яратади; г) муаммонинг турли муқобил ечимлари былиши мумкинли-гини намойиш қилади.

Айниқса, ахлоқий-маънавий мавзулардаги муаммоларни ҳал қилишда мунозаранинг роли катта. Бундай шароитда баҳслашувчиларнинг етуклик даражалари, ахлоқий қадриятларни англаш даражалари катта аҳамиятга эгадир. Ахлоқий-маънавий масапалар юзасидан мунозарани ташкил этувчи шахсга алоҳида талаблар қый-илишини таъкидлаш керак. Чунки у баҳслашувчиларга ҳеч қандай тазйиқ кырсатмаслиги, ҳар бир шахснинг эркин фикр баён этишига йыл қыйган ҳолда улар фикрларининг тамоман зидлашиб кетишига йыл қыймаслиги, мунозара-дан келиб чиқадиган хулосани ва қарорни гуруҳнинг ызи-га ҳавола қилиш лозимлигини унутмаслиги зарур. Бу усул мактабларда, турли билим масканларида, маҳалла қыми-талари иш фаолиятида, турли маслаҳат шоҳобчалари, ыспиринлар тарбияси борасида кенг қылланиши мумкин.

"Мунозара" ёки "баҳс" сызларининг моҳияти шундаки, улар доимо кишилар гуруҳини англатади, яъни ҳар қан-дай баҳс ёки мунозара гуруҳда мавжуд былади. Лекин ижгимой психологияда (асосан) гуруҳларнинг икки тури былиб, улардаги шахслар сони ва гуруҳнинг ҳажмига кыра, катта ва кичик гуруҳ турларига ажратилади. Ижти-мой психологик тренинглар ытказиладиган махсус гу-руҳлар "Т-гуруҳлар", деб юритилади. Лекин анъанавий "Т-гуруҳлар" кишилар сонининг озлиги ва бевосита му-лоқот

шароитларининг етарли эканлиги билан тавсифла-нади. Шундай былишига қарамай, кыпинча реал амалиётда психолог шундай гуруҳлар билан ишлашига тыгри келади-ки, ундаги одамлар сони белгилангандан кыпроқ былади. Масалан, ырта мактаблардаги синфлар, ықув юртларидаги академик гуруҳлар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам биз бевосита компакт - 8-10 кишилик кичик гу-руҳларда ҳамда одамларнинг сони 20-30 киши былган гуруҳларда мунозараларни уюштиришнинг моҳияти хақи-да алоҳида тыхтаб ытамыз.

Шундай қилиб, Т-гуруҳларда мунозаларни ташкил этишнинг айрим ызига хос томонлари ва турлари мавжуд-дир.

Кичик, тор доиралардаги компакт гуруҳларда уюшти-рилган мунозараларнинг эркин мавзули, йыналтирилган ва аниқ сценарийли диспут турлари мавжуд былиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гуруҳларининг мулоқот тажрибасига боғлиқдир ("диспут" сызининг луғовий маъ-носи "фикрляпман", "тортишяпман", деган маънони бил-диради). Кичик гуруҳлардаги мунозарадаги асосий нарса гуруҳ аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб,

ҳар бирининг ыз фикр-мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятларининг борлигидир. Бундай гуруҳда бошловчи ҳам қаторда ытириб, мавзунинг ечими батамом ҳап былмагунча фаол мулоқотларнинг иштирокчиси былиши мумкин. Лекин асосий рол гуруҳнинг аъзоларига юкланганлигини ва бевосита ажрапиб чиққан норасмий лидер асосий баҳс юритувчи былиши мумкинлигини унутмаслиги зарур. Бундай гурунлар турли шароитда, кыпинча баҳс иштирокчилари учун табиий шароитларда ытка зилса, мақсадга мувофиқ былади.

